

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМЛИ Т ОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 371.035:371-3

“Ишлаб чиқариш технологиялари” кафедрасида

НОРБЎТАЕВА ДИЛАФРУЗ АБДУРАСУЛОВНА

**КАСБ ТАЪЛИМИ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ) ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИДА ЎҚУВ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТНИ ЯРАТИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

Мутахассислик: 5A111001-Касб-таълими (Хизматлар соҳаси(Сервис))

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Ҳимояга тавсия этаман
Магистратура бўлими бошлиғи
_____М.Х.Эсонов

«_____» июнь 2013й.

“Ишлаб чиқариш технологиялари”
кафедраси мудири, п.ф.н. доц.
_____ А.Э.Пармонов

Илмий раҳбар: п.ф.н. доц.
_____ Қ.М.Абдуллаева

Тошкент-2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Касб таълими

Магистрант: Норбўтаева Д.А

Кафедра: Ишлаб чиқариш
технологиялари

Илмий раҳбар: доц. Қ.М.Абдуллаева

Мутахассислиги: 5А111001-Касб-

Ўқув йили: 2011-2013

таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис))

«КАСБ ТАЪЛИМИ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ) ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА
ЎҚУВ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТНИ ЯРАТИШНИНГ МЕТОДИК
АСОСЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА
АННОТАЦИЯ

Мавзунинг долзарблиги: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишда, ҳамда ёш авлодни юқори савияда тайёрлашни таъминлаш мақсадида миллий кадриятлар сингдирилган, ўқув услубий таъминотнинг бўлаги ҳисобланган фанлар бўйича ўқув услубий мажмуалар яратиш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторига қиритилган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари:

Мақсади: Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан ўқув услубий таъминотни яратилганлигини тадқиқ қилиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш орқали тажриба синовдан ўтказиш.

Вазифалари: Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш (ТББАК)” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни машғулотларда қўллашнинг мақбул методлари ва воситаларини амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва предмети:

объекти: Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услубий таъминотни яратиш жараёни.

предмети: Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида

ўқитиладиган “ТББАК” фанини ўқитиш мазмуни, методлари ва воситалари.

Тадқиқот услубияти ва услублари:

Тадқиқотнинг методологик асосини “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида баён қилинган таълимни ислоҳ қилиш, таълим жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган қарашлар ташкил этади.

Методлари: педагогик таҳлил, кузатиш, педагогик эксперимент, тажриба-синов ишларига математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: “ТББАК” фанидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг янги авлодидаги таълим технологияларини барча дарс турларида қўлланилиши ва Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услубий таъминотдан дарс жараёнида самарали фойдаланиш йўллари аниқланганлиги.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:

Олинган натижалардан педагогика олий таълим муассасаларидаги Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида тадқиқий материал сифатида тавсия этиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби: Диссертация кириш, уч боб, 8 банд, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари:

“ТББАК” фани бўйича машғулотларнинг таклиф қилинган турлари ва мазмуни талабаларнинг билим даражасини сезиларли даражада оширди.

Хулоса ва таклифларларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:

Замонавий ўқитувчи ўзининг фани бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда, замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини ҳам юқори даражада билиши керак. Бунинг натижасида ўқитувчи муайян фан бўйича ахборотли-ўқув муҳитини ярата олади.

Илмий раҳбар:

доц. Қ.М.Абдуллаева

Магистратура талабаси:

Норбўтаева Дилафруз

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

Факультет:	Профессиональное образование	Магистрант:	Норбутаева Д.А.
Кафедра:	Технологии производства	Научный руководитель:	доцент К.М.Абдуллаева
Учебный год:	2012-2013	Специальность:	5A111001 – (Сфера услуг)

**АННОТАЦИЯ
НА МАГИСТЕРСКУЮ ДИССЕРТАЦИЮ НА ТЕМУ «МЕТОДИЧЕСКИЕ
ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ПО НАПРАВЛЕНИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
(СФЕРА УСЛУГ)»**

Актуальность темы: Создание впитавших в себя национальные ценности учебно-методических комплексов по учебным дисциплинам, являющихся составной частью учебно-методического обеспечения в осуществлении требований «Национальной программы по подготовке кадров», а также в целях обеспечения высокого уровня подготовки молодого поколения считается одной из важных задач государственного значения.

Цели и задачи работы:

Цели: Исследование созданного учебно-методического обеспечения по специальным дисциплинам по направлению «Профессиональное образование (Сфера услуг)» и проведение экспериментальных работ путем внедрения их в учебный процесс.

Задачи: Внедрение в практику оптимальных методов и средств, применение усовершенствованных учебно-методических комплексов по учебной дисциплине «Конструирование швейных изделий по индивидуальным заказам», а также, определение уровня их эффективности в процессе подготовки будущих учителей профессионального образования.

Объект и предмет исследования:

Объект: Процесс подготовки будущих учителей по направлению «Профессиональное образование (Сфера услуг)» в педагогических высших учебных заведениях.

Предмет: Содержание, методы и средства обучения дисциплины «Конструирование швейных изделий по индивидуальным заказам» в направлении «Профессиональное образование (Сфера услуг)».

Методика и методы исследования:

Методологическими основами исследования являются Закон об образовании, «Национальная программа по подготовке кадров», высказывания, изложенные в произведениях и докладах Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, направленные на реформу системы образования и совершенствование процесса обучения.

Методы: педагогический анализ, наблюдение, педагогический эксперимент, математическо-статистическая обработка результатов экспериментальных работ.

Научная новизна результатов исследования: Применение во всех видах учебных занятий образовательных технологий, включенных в учебно-методический комплекс нового поколения по дисциплине «Конструирование швейных изделий по индивидуальным заказам» и определение путей эффективного использования учебно-методического комплекса в процессе обучения по направлению «Профессиональное образование (Сфера услуг)».

Практическая значимость и внедрение результатов исследования: Полученные результаты исследования можно рекомендовать для применения в процессе подготовки будущих учителей по направлению «Профессиональное образование (Сфера услуг)» в педагогических вузах.

Структура и содержание работы: Диссертация состоит из введения, трех глав, восьми пунктов, общих выводов, списка использованной литературы и приложений.

Основные результаты выполненной работы: В результате применения предложенных видов и содержания занятий по дисциплине «Конструирование швейных изделий по индивидуальным заказам» заметно повысился уровень знаний студентов.

Краткое обобщенное изложение выводов и предложений:

Современный педагог наряду с многогранными глубокими знаниями по своему предмету должен на высоком уровне знать современные информационные технологии и системы, благодаря чему учитель сможет создать информационно-учебную среду по определенному учебному предмету.

Научный руководитель:

доцент К.М.Абдуллаева

Магистрант:

Норбутаева Д.А.

**MINISTRY HIGH And AVERAGE SPECIAL FORMING the REPUBLIC
UZBEKISTAN**

**TASHKENTSKIY STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY of the NAME
BOTTOM**

The Faculty: Vocational training **Magistrant:** Norbutaeva D.A.
Pulpit: Technologies production **Scientific leader:** assistant professor
K.M.Abdullaeva
School year: 2012-2013 **Professions:** 5A111001 - (Sphere of
the services)

ABSTRACT

**ON MAGISTERSKUYU THESIS TO SUBJECTS "METHODICAL BASE of
the CREATION SCHOLASTIC-METHODICAL PROVISION ON
DIRECTION VOCATIONAL TRAINING (SPHERE of the SERVICES)"**

Urgency of the subject: Creation absorbed in itself national value scholastic-methodical complex on scholastic discipline, being component part scholastic-methodical provision in realization of the requirements "National program on preparing the personnel(frames)", as well as in purpose of the provision high level preparing the young generation is considered one of the important tasks of state importance.

The Purposes and tasks of the functioning:

The Purposes: Study created scholastic-methodical provision on special discipline on direction "Vocational training (the Sphere of the services)" and undertaking the experimental functioning by by introduction them in scholastic process.

The Tasks: Introduction in practical person of the optimum methods and facilities, using advanced scholastic-methodical complex on scholastic discipline "Konstruirovane sewing product on the individual order", as well as, determination level to their efficiency in process of preparing the future teachers of the vocational training.

The Object and subject of the study:

The Object: Process of preparing the future teachers on direction "Vocational training (the Sphere of the services)" in pedagogical high educational institutions.

The Subject: Contents, methods and facility of the education of discipline "Konstruirovane sewing product on the individual order" toward "Vocational training (the Sphere of the services)".

The Methods and methods of the study:

The Methodological base of the study are a Law about formation, "National program on preparing the personnel(frames)", utterances, stated in product and report of the President of the Republic Uzbekistan I.A.KARIMOVA, directed on reform of the system of the formation and improvement of the process of the education.

The Methods: pedagogical analysis, observation, pedagogical experiment, mathematical-statistical processing result experimental functioning.

Scientific novelty result studies: Using in all type scholastic occupation educational technology, comprised of scholastic-methodical complex of the new generation on discipline "Konstruirovanie sewing product on the individual order" and determination of the ways of the efficient use scholastic-methodical complex in process of the education on direction "Vocational training (the Sphere of the services)".

Practical value and introduction result studies: Got results of the study possible to recommend for using in process of preparing the future teachers on direction "Vocational training (the Sphere of the services)" in pedagogical high school.

The Structure and contents of the functioning: Thesis consists of introduction, three chapters, eight points, general output, list of the used literature and applications.

The Main results of the executed functioning: As a result of using offered type and contentses occupation on discipline "Konstruirovanie sewing product on the individual order" noticeably increased the level of the knowledges student.

Short generalised interpretation output and offers:

The Modern teacher alongside with polyhedral profound knowledges on its subject must on high level to know modern information technologies and systems, due to that teacher will be able to create information-scholastic ambience on determined scholastic subject.

The Scientific leader:

assistant professor K.M.ABDULLAEVA

Magistrant:

D.A.Norbutaeva

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	1
I КАСБ ТАЪЛИМИ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ) ТАЪЛИМ БОБ ЙЎНАЛИШИДА ЎҚУВ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услубий таъминотни таминлаш мақсадида мутахассислик фанларидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг мазмуний таҳлили.....	9
1.2. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанлари орқали бакалаврларнинг мутахассисликка оид билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари.....	15
1.3. Мутахассислик фанларидан такомиллаштириб яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг таркибий қисмлари ва уларга қўйиладиган талаблар.....	22
Биринчи боб бўйича хулосалар	29
II КАСБ ТАЪЛИМИ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ) ТАЪЛИМ БОБ ЙЎНАЛИШИДА ЯРАТИЛГАН ЎҚУВ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	
2.1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) йўналишида ўқитиладиган “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанига давлат таълим стандартида қўйиладиган талаблар ва унинг мазмуни.....	31
2.2. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни машғулотларда қўллашнинг шакл, методи ва воситалари.....	40
2.3. Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида ихтисослик фанидан машғулотларни олиб боришнинг таълим технологияси.....	51
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	57
III ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ БОБ ЭТИШ ВА НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ	
3.1. Яратилган ўқув услубий мажмуаларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	58
3.2. Педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва унинг математик, статистик таҳлили.....	67
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	74
Умумий хулосалар.....	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78
Иловалар.....	84

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда, айниқса “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки бу икки хужжат мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, юксак билимли инсонларни тарбиялашга қаратилган бўлиб, демократик ва дунёвий мазмунга эга бўлган кўп босқичли, узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга асос бўлди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни рўёбга чиқариш орқали мустақил фикрловчи шахсни шаклланиши таъминланмоқда. Ҳозирги даврда барча жабҳаларда техника ва технологияларнинг янгиланаётганлиги, илм ва фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади. Бунда бугунги замон талабларига мос, муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган, касбий мутахассислиги бўйича кўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби долзарб масалалар ўз ечимини топмоқда. Бу эса барча фанлар мутахассислари олдига узлуксиз таълим тизимида замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув услубий таъминотни яратиш вазифасини кўйди. Шу кунгача бу борада қатор ишлар амалга оширилди, жумладан: янги таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, улар асосида эса дарсликлар ва ўқув услубий мажмуалар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПП-325-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервисни жадал ривожлантириш чоралари” тўғрисидаги қарорида Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кадрлар тайёрлаш ҳолати қониқарсиз деб кўрсатилганлиги бу соҳа учун малакали кадрлар

тайёрлаш зарурияти яна бир бора таъкидланади¹. Бу эса олий таълим муассасасидан шу соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга эътиборни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияда ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги педагогик технологиялар кириб келмоқда. Рўй бераётган сифат ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда ўрганишнинг бирламчи жараёнлари, анъанавий методика ва умумий воситалари қолипга сиғмай, ўқувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас компонентига айланиб бораётган ва унга ўзи маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий воситалар мавжудки улар янги педагогик технологияларни реал воқеликка айлантормоқда.

Ҳозирги кунда касб-ҳунар таълими тизимида янгидан ташкил этилаётган кичик мутахассисларни тайёрлайдиган кўпгина ўқув муассасаларида мутахассислик фанларини ўқитадиган малакали педагог кадрларга талаб жуда каттадир. Бундай педагогларни тайёрлашда, уларни касбий шакллантиришда мутахассислик фанларининг ўқув-услубий мажмуасини яратиш, ўқитишнинг янги метод ва шакллари татбиқ этиш зарур. Бу соҳани ривожлантиришда юксак салоҳиятга эга етук мутахассис кадрлар тайёрлашга оид муаммоларни тадқиқ этиш энг долзарб масалалардан эканлиги, шунингдек, Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларини чуқур ўрганиш жараёнлари мавжудлиги тадқиқот муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотимиз Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда ва кейинчалик эса уни касбий маҳоратга айланттиришда мутахассислик фанларидан замон

¹ О мерах по ускорению развития сферы услуг и сервиса в Республике Узбекистан в 2006-2010 годах» постановление Президента Республики Узбекистан 17 апреля 2006 год №ПП-325

талаблари даражасидаги ўқув услубий таъминотни яратилиши муҳимлиги каби муаммолар ечимига қаратилган.

Олий таълимда мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ўқув услубий таъминот асосий омиллардан биридир. Шу жумладан 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида тахсил олаётган мутахассис кадрларнинг юқорида санаб ўтилган хислатларини оширишда ўқув услубий таъминотнинг ўрни бекиёсдир.

Касб таълими (Хизматлар соҳаси) йўналиши бўйича кадрларни тайёрлашда ўқув услубий мажмуаларни ишлаб чиқишга янгича ёндашиш билан таълим самарадорлигини оширишда юқори натижаларга эришиш учун замин яратади.

Республикамизда таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилляпти. Бу эса мутахассис кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари олдида маълум вазифаларни қўяди. Илм ва фаннинг жадал тараққиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришларини талаб этади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби ҳужжатлардан келиб чиқадиган узлуксиз таълимнинг турли бўғинларида ўқув-тарбиявий жараённинг мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари билан боғлиқ ҳақиқий педагогик ва дидактик муаммолар истиқболини аниқлаш ҳамда самарали ечимларни топиш бўйича бугунги кунда турли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда².

Магистрлик диссертацияси мавзусига оид илмий ишлар ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бўлажак ўқитувчиларда касбий билим ҳамда кўникмаларни шакллантиришда ўқув услубий таъминотни

² Каримов И.А. Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. -64 б

яратиш ва ундан фойдаланиш муаммолари Т.Д.Исмаилов , Н.А. Муслимов, С.Ф.Ражабова, А.Н.Козлов, Қ.Олимов, А.Р.Ходжабоев, Н.Ш.Шодиев, Д.У. Эргашев ва бошқа шу каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ҳамда Х.Умаров ва Г.Шерматоваларнинг магистрлик диссертацияларида турли даражада ўрганилган.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш бўйича, касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълимини такомиллаштириш муаммолари бўйича О.А. Абдуқудусов, С.Ю. Ашурова, С.Р. Волкова, К.Д. Мирсаидов, Қ.Т. Олимов, А.Р. Ходжабоевлар шуғулланган бўлса, Н.Н. Азизходжаева, В.П. Беспалько, Л.В. Голиш, У.Н. Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов, Л.В. Фарберман каби олимлар ўқув-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилишнинг илмий-услубий асосларини ривожлантирганлар, Н.А.Муслимов, Қ.Олимовлар ўзларининг илмий ишларида умумкасбий ва мутахассислик фанларини ўқитишда ўқув услубий мажмуаларнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтганлар.

Ўзбекистон Республикада ҳозирда педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан ўқув услубий таъминотни яратиш бўйича ўқитиш муаммосига оид етарли даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Юқорида санаб ўтилган илмий-тадқиқот ишларида касб-хунар таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мутахассислик фанларидан янги ўқув-услубий мажмуалар яратиш, унинг компонентлари мазмунини аниқлаш, хусусан, Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида махсус изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Мустақил Республикаимизнинг жаҳонга жадал юз тутаётган яъни кимларнингдир ҳавасини, кимларнингдир ҳасадини келтириб, илғор, ривожланган давлатлар билан дадил тиллашаётган, жаҳон майдонида обрўси ошиб, ташқи халқаро алоқалар, маданий, маърифий, иқтисодий

муносабатларни ривожлантириб ўзига хос ва мос ўрин эгаллаётган бир пайтда ўзимизнинг миллий газламалармиздан атлас ва адрас газламаларни кўллаган ҳолда янги замонавий моделларни яратиб ва уларни жаҳон оммасига намойиш қилиш орқали дунёга ўзлигимизни кўрсатишдан иборат. Бу борада бакалаврларга Касб таълими (Хизматлар соҳаси) йўналишида ўқитиладиган мутахассислик фанларидан олган билимлари жуда катта ёрдам беради. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” мутахассислик фанини ўқитишнинг илмий-методик асосларини атрофлича ўрганиб чиқиш, бу фан бўйича ўқув услубий таъминотнинг етарлича яратилганлигини аниқлаш заруриятининг мавжудлиги магистрлик диссертацияси мавзусини **“Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услубий таъминотни яратишнинг методик асослари”** деб номланишига асос бўлди. Мутахассислик фанларидан билимларни беришда, бу соҳада етук кадрларни тайёрлашда ўқув услубий таъминотни такомиллаштириш борасидаги энг долзарб ва муҳим вазифалар устида тадқиқот ишимизни олиб бориш орқали юқорида кўриб чиқилган муаммоларни бир мунча ечишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот мақсади: Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан ўқув услубий таъминотни яратилганлигини тадқиқ қилиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш орқали тажриба синовдан ўтказиш.

Тадқиқот объекти: Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услубий таъминотни яратиш жараёни.

Тадқиқот предмети: Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида ўқитиладиган “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини ўқитиш мазмуни, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишидаги мутахассислик фанларидан ўқув услубий таъминотдан бири ўқув услубий мажмуаларни таълим жараёнига татбиқ этишда таълим самарадорлиги ортади, агарда:

- Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг мазмунини таҳлил қилинса ва таркибий қисмларини аниқланса;

- Бакалаврларнинг мутахассисликка оид билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари ўрганилса ва эгаллаши лозим бўлган билим ҳамда кўникмалари мазмуни аниқланса;

- “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар мазмуни ўрганилса;

- Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни машғулотларда қўллашнинг мақбул методлари ва воситаларини амалиётга жорий этилса ҳамда уларнинг самарадорлик даражаси аниқланса таълим жараёнининг самарадорлиги таъминланади.

Тадқиқот вазифалари:

1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг мазмунини таҳлил қилиш ва таркибий қисмларини аниқлаш.

2. Бакалаврларнинг мутахассисликка оид билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини ўрганиш ва эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмалари мазмунини аниқлаш.

3. “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар мазмунини ўрганиш.

4. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни машғулотларда қўллашнинг мақбул методлари ва воситаларини амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

Тадқиқот методлари: тадқиқот муаммосига бағишланган илмий-услубий манбаларни педагогик таҳлил, кузатиш, педагогик эксперимент, тажриба-синов ишларига математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг методологик асосини “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузаларида баён қилинган таълимни ислоҳ қилиш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ўстиришга оид ёндашувлар, таълим жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган қарашлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан таълимга оид, кадрлар тайёрлаш муаммолари ҳамда касб-хунар таълимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорлари ташкил этди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан ўқув услубий мажмуаларнинг янги авлодини яратилиши.

2. “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан яратилган ўқув услубий мажмуадаги таълим технологияларини барча дарс турларида қўлланилиши.

3. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услубий таъминотдан дарс жараёнида самарали фойдаланиш йўлларини аниқланганлиги.

Тадқиқотнинг тажриба - синов майдони: Низомий номидаги Тошкент педагогика университети Касб таълими факультети Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши талабаларига “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни машғулотларда қўллашнинг мақбул методлари ва воситаларини амалиётга жорий этилди, бакалаврларнинг мутахассислик фанини ўқитишда таълим технологияларидан фойдаланиш асосларини ўргатиш самарадорлигини

оширишга қаратилган педагогик фаолият мазмуни ва моҳияти белгиланди, замонавий таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари аниқланди ҳамда амалиётда синаб кўрилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

Олинган натижалардан педагогика олий таълим муассасаларидаги Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида татбиқий материал сифатида тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 8 банд, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация 110 бетда баён этилган. 7 та жадвал, 2 та шакл, 61 та фойдаланилган манбалар рўйхатини ва 3 та иловани ўз ичига олган.

I БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ) ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ЎҚУВ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида ўқув услугий таъминотни таъминлаш мақсадида мутахассислик фанларидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг мазмуний таҳлили

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу жараёнларга замонавий ахборот ва таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, республикаимиз Президенти И.А.Каримов бу масалада “...ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу кадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим”лигини таъкидлайди³.

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёнини ўқув услубий таъминотини ривожлантиришни талаб этади. Замонавий ахборот ва таълим технологиялари яқин йиллар ичида педагогик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Таълим олувчилар учун мустақил таълим олиш имкониятларини, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Замонавий таълим тизимининг асосини юқори сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай муҳит таълим тизимини

³ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. – Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

такомиллаштиришга, таълимда ахборот ва таълим технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишда, ҳамда ёш авлодни юқори савияда тайёрлашни таъминлаш мақсадида миллий кадриятлар сингдирилган, ўқув услубий таъминотнинг бўлаги ҳисобланган фанлар бўйича ўқув услубий мажмуалар яратиш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторига киритилган. Бугунги кунда илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация воситалари кенг жорий этилган жамиятда барча фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни тез ва сифатли эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда. Шунинг учун миллий истиқлол ғоясига содик, етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ўқув услубий мажмуаларининг янги авлодини яратишни талаб қилмоқда.

Ўқув услубий таъминот - Давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талаблар асосида талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни компетентлик даражасида ривожлантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув–методик манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, баҳолаш мезонларини, шунингдек, тегишли фан доирасида яратилган дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма ва кўрсатмаларни, компьютер технологияларини ўз ичига олади⁴.

⁴ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Фаннинг ўқув –методик мажмуаси таркиби. –Т.: 2009. –44 б.

Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан ўқув услубий таъминотни таъминлаш мақсадида яратилган ўқув услубий мажмуаларни таҳлил қилинар экан авваламбор, бу таълим йўналишидаги мутахассислик фанларини аниқлаш учун шу таълим йўналишининг ўқув режаси билан танишилди [1-илова]. Бу таълим йўналишида ихтисослик фанларига “Костюм тарихи ва композицияси”, “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш”, “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш ва тайёрлаш бўйича махсус амалиёт” фанлари кириб, улардан ўқув услубий мажмуалар яратилганлиги аниқланди.

Ўқув услубий мажмуа – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малакаларни шакллантиришни, ўқув жараёнида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик воситалар ва материаллар, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси компонентларининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

2010 йилда яратилган бу мажмуалар таркибига қуйидагилар кирган:

- фаннинг дастури;
- фаннинг ишчи дастури;
- ўқув-услубий харита;
- дастур бажарилишининг календарли режаси;
- маърузалар матни;
- амалий ва лаборатория ишларини бажариш бўйича тавсиялар;
- мустақил иш бўйича услубий кўрсатма;
- фан бўйича талабаларнинг билимини баҳолаш;
- жорий, оралиқ ва якуний назорат бўйича саволлар;

- талабаларни ЖБ, ОБ ва ЯБ бўйича мезонлар;
- педагогик ва информацион технологияларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар;
- фан бўйича ўқув режасиги киритилган курс ишлари мавзулари (агар ўқув режада режалаштирилган бўлса).

Фан дастури – услубий меъёрий ҳужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг муайян фан бўйича бакалавр (магистр) билим, кўникма, ва малакаларига ҳамда компетенциясига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади⁵.

Ишчи дастур – унинг таркибида фаннинг мақсади, вазифалари ва ўрганадиган муаммолари, талабаларнинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тавсифи, компетенцияси, назарий, амалий (лаборатория, семинар) ва мустақил иш машғулотлари ҳажми ва мазмуни, методик тавсиялар, тақвимий мавзуий режалар, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик воситалар рўйхати ҳамда баҳолаш мезонлари, шахснинг қайси фазилатларини шакллантиришга йўналганлиги киради.

Маъруза матни – муаллиф томонидан ўқув дастурига мос тарзда дидактик ва услубий талаблар асосида ишлаб чиқилган ёзма тузилма бўлиб, бу талаба томонидан ўрганилиши ва ўзлаштирилиши мажбурий бўлган ўқув ахборотининг асосий манбаи вазифасини бажаради. Матннинг моҳиятини асосий тушунчалар, қонунлар, назариялар ва фаолият усуллари ҳақидаги билимлар ташкил қилади. Маърузалар матнида фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, ўқув мақсадлари келтирилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр бўлиб, унинг номи тегишли фан номи билан аталади.

⁵ Педагогика / А.Қ.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Ўқитувчи. 1996. –200 б

Амалий ва лаборатория ишларини бажариш бўйича тавсиялар - фан ўқув материални ўзлаштиришда ва мустақил тарзда билимлар олишда талаба бажарадиган амалий фаолият усуллари, аниқ маълумотлар олиш учун назарий билимларни қўллаш тамойили ва қоидалари, асосий тадқиқот усуллари тавсифланиши; муаммоли саволлар, ижодий топшириқлар, мисоллар, масалалар, ҳаётий тажрибалар, масалалар, машқлар, тажриба ва эксперимент усуллари баён қилиниши лозим. Лаборатория ва амалий машғулотлари бўйича тавсияноманинг кириш қисмида фан бўйича талабалар томонидан лаборатория ва амалий машғулотларни бажаришнинг аҳамияти баён қилинади. Фанни ўрганиш натижасида лаборатория ишларини ва амалий топшириқларни бажаришда олинган билимлардан амалда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши баён қилинади.

Мустақил иш бўйича услубий кўрсатма. Мустақил иш муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Ушбу кўрсатмада талабалар мустақил ишини бажариш юзасидан тегишли кафедралар томонидан савол ва топшириқлар ҳамда уларни бажариш бўйича методик тавсиялар берилади

Талабаларни ЖБ, ОБ ва ЯБ. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

- *жорий назорат* – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, уй вазибаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

- *оралиқ назорат* –ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ

назоратнинг сони ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда таълим муассаса томонидан белгиланади;

- *якуний назорат* – ўқиш якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади⁶.

Жорий, оралиқ ва якуний назорат бўйича саволлар. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга мўлжалланган савол ва топшириқлар тизими ўқув услубий мажмуанинг етакчи ва жадал ривожланаётган кўрсаткичидир. Тест, савол ва топшириқларнинг ёзма ва электрон шаклда берилиши талабага ўз-ўзини баҳолаш уларнинг фаоллашувини ва билимларни мустақкам эгаллашларини таъминлайди, уларнинг касбий қизиқишларини ривожлантиради, ишлаб чиқариш шароитларида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

Талабаларни ЖБ, ОБ ва ЯБ бўйича мезонлари. Талабалар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини баҳолаш эмас, балки ўқитиш жараёни даврида талабалар билим олиш ва мустақил иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир. Ўқитувчи томонидан жорий ва оралиқ баҳолаш методлари ва мезонлари ишлаб чиқилади.

Жорий баҳолаш мунтазам равишда ўтказиб борилади. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, самарасини тез-кор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

⁶ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Фаннинг ўқув –методик мажмуаси таркиби. –Т.: 2009. –44 б.

Оралиқ баҳолаш фан асосий бўлимлари бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан кейин талабаларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштирганликлари баҳоланади.

Якуний баҳолаш талабанинг фан бўйича ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва стандартларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш фанни ўқитиш жараёнининг якунида ўтказилади.

Юқорида кўриб чиқилган Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг мазмуний таҳлили шуни кўрсатдики, 2010 йилда яратилган бу мажмуаларга таълим технологиялари киритилмаган бўлиб, машғулотлар жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш назарда тутилмаган. Бу эса ҳозирги компьютер асрида ўқув услубий мажмуалар таркибий қисмларини қайта кўриб чиқишни тақазо қилади. Шунинг учун ҳам ишимизнинг кейинги параграфларида бакалаврларнинг мутахассисликка оид билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларнинг таркибий қисмлари ҳақида фикр юритамиз.

1.2. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанлари орқали бакалаврларнинг мутахассисликка оид билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Касб-ҳунар коллежларида дарс берадиган педагог кадрлар юқори савияли бўлиш билан бир қаторда, янги педагогик технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, замонавий билим бера олиш қобилияти, касбий кўникма ва

малакаларни шакллантира олиш маҳоратига эга бўлишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Олий таълим тизимида талабаларга мутахассислик фанларидан билим бериш жараёнида уларнинг ёш, психологик ва физиологик имкониятларини инобатга олиш асосида иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳар бир касб ёки ҳунар ўзига хос бўлган хусусиятларга кўра уни йўлга қўяётган мутахассисдан муайян сифатларга эга бўлишни тақозо этади.

Ўз-ўзидан маълумки, шахснинг жисмоний кучи ва имкониятларига таянган ҳолда йўлга қўйилувчи касбий фаолият мутахассисдан жисмонан бақувват, мустаҳкам характер ва кучли ирода эгаси бўлишни талаб этади. Шунингдек, барқарор диққат, узоқ муддатли эътибор, умумий жараённинг бирдек назорат қила олиш, ҳаракатларни ўта даражада аниқлик билан бажариш, юзага келган вазиятларга тўғри баҳо бера олиш, ушбу вазиятлардан чиқиб кета олиш юзасидан оқилона қарор қабул қилиш, шахсий ҳатти-ҳаракат моҳиятини танқидий баҳолаш каби компетентларнинг мавжуд бўлиши ақлий фаолиятни олиб борувчи мутахассисга мазкур жараёнда вақтни тежаш, ютуқларга эришиш, шунингдек, олиб бораётган фаолиятидан моддий ва маънавий манфаат кўриш имкониятини яратади.

Ёш ва психологик хусусиятларига кўра олий таълим тизимининг талабалари турли меҳнат фаолияти турлари ва уларни ташкил этиш асослари борасидаги назарий ва амалий билимларни пухта ўзлаштириш имкониятига эгалар. Зеро, ёш ва психологик хусусиятлари талабаларда маълум йўналишларда фаолият юритиш борасида ўзини синаб кўриш, ўз кучини намойиш этиш, ўз-ўзига ишончни намойиш этиш ҳиссининг қарор топишига замин ҳозирлайди.

Психология фани бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан бизга яхши маълумки, талабаларда ижтимоий борлиқда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатиш, уларнинг моҳиятини англаш ҳамда уларга нисбатан шахсий муносабатни билдириш ва баҳо бериш истаги кучли бўлади. Талабалар ўсмирлардан фарқли равишда турмушда ўз ўрнини топишга

интила бошлайдилар, уларда муайян касб ёки хунар асосларини ўрганишга бўлган интилиш юзага келади ва улар муайян мутахассислик йўналишларида касбий фаолиятни йўлга қўйиш борасидаги келажак режаларини туза бошлайдилар. Улар ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиш, шахсий имкониятларини намойиш этиш, аксарият ҳолатларда жасорат, мардлик намуналарини кўрсатишга интиладилар. Бироқ талабалардаги жўшқин куч-ғайрат, шижоат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишга бўлган интилиш, аксарият ҳолатларда атроф-муҳитга, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳамда кишиларга нисбатан романтик муносабатда бўлиш, шунингдек, уларнинг етарли даражада ҳаётий тажрибага эга эмасликлари, ўз билимларига ортиқ даражада баҳо беришлари аксарият ҳолларда улар томонидан маълум хатоларга йўл қуйилишига сабаб бўлади.

Олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчиларни, айниқса, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежларида қизларга бичиш-тикиш технологияларини ўргатувчи ўқитувчи-тарбиячиларни тайёрлаш жараёни педагогика олий ўқув юртларида ўзига хос шарт-шароитни талаб қилиш билан биргаликда, фанлараро алоқадорлик ҳамда изчиллик тамойилига таянган ҳолда ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишни тақозо қилади.

Олий таълим муассасаларида бериладиган барча мутахассислик фанлари ўзида асосан фақат маълумот берувчи, ўргатувчилик функцияси билан чегараланиб қолмасдан фикрни ривожлантирувчи, интеграллаштирувчи, тарбияловчи функцияларига ҳам эгадир. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир фан ўқитувчисига талабаларни нафақат шу фан тузилмасида мавжуд бўлган илмий маълумотлар билан қуроллантириш, балки улар эгаллаган илмий тушунчаларни ривожлантириш ва бошқа тушунчалар билан интеграллашувини таъминлаш ҳамда талабаларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари ҳам қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи навбатдаги ўқув машғулотида тайёргарлик кўришида ўқув материални юқорида санаб ўтилган талаблар ва тамойилларга риоя қилган

ҳолда танлаши ва уни талабалар эътиборига ҳавола қилишида тегишли тушунчалардан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши, унинг жамиятдаги ўрни, педагогика олий ўқув юртидаги мажбурияти ва вазифаларига ҳамда индивидуал қобилиятларига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикрлашнинг илмий таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиши, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиши ва бошқалар)нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бўлажак касбий фан ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари қарама-қаршилигини ҳис қилиш, уларнинг ечимини топиш учун эса ўзига хослик ва мақсадга мувофиқлик каби касбий хислатларнинг таркиб топишида намоён бўлади.

Замонавий ижодкор ўқитувчи педагогик фаолиятида ўқиш жараёнида мутахассислик фанларидан олган билимларига ижодий ёндошган ҳолда нафақат ўзлигини, балки ҳаётий мақсадларини ҳам рўёбга чиқаради. У ўзини сифат жиҳатидан ўзгартиради, психологик тўсиқларни енгади, касбий аҳамиятли сифатларини ривожлантириш имкониятларини қидиради, ўз педагогик концепциясини ишлаб чиқади. Умуман олганда, ўқитувчининг педагогик фаолияти учун, биринчидан, инновацион йўналтирилганлик, иккинчидан, ўз ишига ижодкорона ёндошув, индивидуаллик каби хусусиятлари жуда муҳимдир. Мутахассислик фанлари ўқитувчиси ўз-ўзини такомиллаштирмай туриб, индивидуалликни ривожлантирмай, касбий маҳоратини шакллантирмасдан касбий фаолиятда юқори мавқега эришиш мумкин эмаслигини тўғри англаб етади. Шу сабабли ҳам касбий зарурат бўлган сифатларни ҳаётий мақсад сифатида ривожлантирмай туриб, янги технологияларни эгаллаши мумкин эмас. Ўқитувчининг педагогик услуги - бу шахс томонидан ўз индивидуаллигини касбий фаолият шарт-шароитларини уйғунлаштириш тизими, шахс ижодкорлигининг манбаи ва

ижодий фаолият натижаси кўринишида ўзлигини намоён қилиш воситасидир.

Талабаларнинг мутахассислик фанларидан ўқув материални ўзлаштириши уларда фикрлаш жараёнининг самарадорлиги, шу ўқув материалдан мутахассислиги учун зарур бўлган хулосаларни чиқара билиши, ўқув материални умумлаштира олиши, мақсадига эришувчанлиги, ўз фикрида қатъий туриши, ўқув материалнинг таълим жараёнидаги камчиликларни тўлдиришга ёрдам бериши ҳам инobatга олинаши зарур. Шунинг учун ўқув материалнинг илмий, таълимий-дидактик ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган қилиб танланиши талабаларнинг эртанги билим савияси, келажакда амалиётдаги ютуғи, шахс сифатидаги такомили мажмуаси ҳамдир.

Демак, мутахассислик фанларини ўқитишда психологик – педагогик қонуниятларни ҳисобга олинаши бевосита бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятини юзага келиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экан. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти – бу ўқув тарбиявий жараёнга ўзининг фаол муносабатларини билдириб, қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан ёндошиб, комил инсон сифатлари билан бирга ақлий касбий тафаккурини ривожлантиришга ёрдам берувчи фаолиятдир. Шунинг учун ҳам касбий кўникма ва малакани шакллантиришда, албатта, ҳар томонлама такомиллашган чуқур касбий билим зарурдир. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларига касбий фанлардан бериладиган билимларнинг ўзига хос синтезини аниқлаш ва бу синтезда қатнашаётган билимларнинг табиати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, тузилиши ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги ҳақида маълумотларнинг таълим жараёнида бериб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Келажакда ўқитувчилик касби билан шуғулланувчи талабаларда психологик-педагогик компонентлардан бири, бу “эсда сақлаш” шахсий сифатининг маълум даражада юқори бўлиши тақозо қилинади. Бундан

ташқари, амалга оширилаётган ишлар тузилишига кўра бир нечта билимларнинг интеграцияси, ўзаро алоқадорлиги ва ундан фойдаланиш методикасини ўз ичига олади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба ҳар доим ўқув материални назарий ва амалий ўзаро боғлиқ бўлган диалогда қатнашади, чунки ўқув материалга мувофиқ хулоса чиқариши учун у ўзининг билимлар блокига тез-тез муружаат қилиб туриши тадқиқ қилинган.

Ҳар бир талаба имкониятига, асосан билимга бўлган интилишига кўра ўзининг билимлар блокига эга бўлади. Бу билимлар тузилмасига кўра, техник ва технологик мазмундаги, психологик-педагогик, фалсафий, физик-математик ҳамда бошқа кўринишдаги билимлар тўплами бўлиб, талаба қайси йўналишга мос билимлар кераклигига таянган ҳолда, шу мазмундаги билимларни банкдан ажратади. Бу билимларни чуқурлаштириб талаб қилинган мақсадда фойдаланишга ҳаракат қилади⁷.

Шу сабабли ҳар бир талаба учун ўрганилиши лозим бўлган билимлар тўпламига нисбатан уни ўзлаштириш даражаси касбий характерга эгадир. Бошланғич ҳолатда билимлар кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги дидактик кўриниш касб этади. У бўлинмаган ёки бўлинишга лойиқ бўлмаган воқелик ҳодисалари модели кўринишида қатнашиб, қандайдир, назарияни ёки ўзини намоён этишнинг бошланғич ҳолатини ифода этиб, бевосита уни билишга имконият яратиб беради. Бунда бирор-бир модель устида таҳлилий фикр юритиш ва хулоса чиқариш ишларининг олиб борилиши, компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Бундай билим ва малакаларнинг шакллантирилиши касбий педагогик масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, талабанинг мутахассислик билимлари тизимида етакчи ўринда туради.

Талабанинг касбий кўникмасини ривожланишида ҳаракатли - ўзгарувчи сифатли билимлар тизими муҳим роль ўйнайди. Бу билимнинг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, унда воқеликни субъективлик мезони

⁷ Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2006. – 182 б

асосида бўлимларга бўлиб қаралади. Маълумки, таққослаш бир жинсли предметлар устида олиб борилиб, уларга таққосланувчи компонентларнинг сифатлари, хоссалари ҳақида умумий хулосалар чиқарувчи, якуний натижага олиб келувчи фактлар мажмуаси яратилади. Бу эса, ўз навбатида, фикрлар тизими банкини тўлдириш ва ундан фойдаланиш имкониятини ҳосил қилишга ёрдамлашади. Талаба ҳар бир кийимни моделлаштиришда таққослаш, ўхшатиб амалга ошириш, анализ ва синтез қилиш жараёнларини амалга оширишида, инсоннинг тана тузилиши ҳамда тана қисмларининг мутаносиблик сифатларига жиддий эътиборни қаратади. Бу борадаги тафаккур кўп ҳолларда муҳокама юритувчи бўлиб қатнашади. Тафаккурнинг муҳокама юритиш тури бевосита кўрсатмалилик билан боғлиқдир. Ҳар бир кийим моделининг юзага келтирилишида тафаккурнинг асосий операциялари – анализ ва синтез, ўхшашлик, айрим фактлардан умумий натижа чиқариш ва умумий ҳолатдан хусусий хулосаларга келиш, таққослаш, аниқлаштириш каби турларини ҳаракатга келиши туфайли талабаларимизда моделлаштириш бўйича зарур бўлган кўникма ва малакалар шакллантирилади⁸.

Тадқиқотимиз объекти бўлган - касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда, шунингдек, Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши талабаларига «Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида кийимнинг конструкциясини қуриш бичиш-тикишда муҳим жараён бўлиб, бу жараённи чизикларсиз тасаввур қилиш қийин. Моделнинг конструкцияси бевосита математик қонуниятларга асосан яратилади.

Ҳақиқатдан ҳам, кийимларни конструкциясини қуриш ва моделлаштиришда ўтказиладиган чизиклар ҳам математик, ҳам касбий хусусиятига эга бўлиб, у шу моделлаштириладиган кийимнинг тузилмавий тўпламини ҳосил қилади ва йиғма конструкциясини белгилаб беради. Мазкур

⁸ Абдуллаева Қ.М., Норбўтаева Д.А. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) йўналишида мутахассислик фанлари бўйича яратилган ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиб талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш. Тафаккур сарчашмалари. Низомий номидаги ТДПУ. Магистрларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. 2012 йил. 143-144 бетлар

конструкция шу моделнинг конструктивлик, кўрсатмалилик ҳолатининг юзага келишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Касб таълими йўналиши талабаларига конструкторлик асосларини ўргатишнинг психологик ва педагогик хусусиятлари индивидуалликнинг шаклланиш ва ривожланиш мақсадларини тасаввур қилиш, яъни ижодий фаолият мақсадини белгилаш ҳамда ижодий фаолиятда муваффақиятга эришишга интилиш, ижодий тасаввурнинг ривожланиши, ижодий фаолият шароитида ўз эмоционал ҳолатларини бошқариш, шунингдек, ижодий фаолиятни амалга оширишдаги қатъиятлилиқ, мақсадга интилувчанлик, ечимини топилиши қийин бўлган вазиятларни енгиб ўта олиш, изланувчанлик ҳолатида ўз-ўзини бошқара олиш, ўз ижодий ечимларини таҳлил қила олиш қобилиятларини ривожлантира олиш, ижодкор индивидуал шахс сифати тасаввурларнинг, мустақил фикрлашнинг ривожланиши кабилардан иборат экан.

1.3. Мутахассислик фанларидан такомиллаштириб яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг таркибий қисмлари ва уларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузасида “XXI аср ахборот технологиялари асри деб эътироф этилиши ҳисобга олинса, баркамол авлодни шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-муррабийларнинг меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришни самарали

тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади”, -деб таъкидлаган⁹. Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман илм-фан инсонларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш зарурлигига эътибор қаратди. Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлашни таклиф этилди. Бу таклиф ва қарорлар ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, яратиш иқтисодиётнинг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, фуқораларнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш билан боғлиқдир. Булардан ташқари жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга асосланган илғор таълим тизимларини татбиқ этишга эътибор қаратилишини таъкидлайди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот омборларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш дастури – Т.: Ўзбекистон, 2009

техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш масалалари компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги вазифалари қаторига киритилган.

Таълимни ахборотлаштириш эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув-услубий ишларни қайта ташкил этиш;
- ўқитувчи ва унинг ролини ўзгартиришга бўлган талабларни ортиши;
- таълим олувчи шахсининг ва унинг индивидуаллаштириш хусусияти ролининг ортиши;
- таълим муассасаси ролининг ўзгариши;
- ахборот ресурсларининг мумкин бўлган ҳажмининг тўсатдан ортиши.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, таълим жараёнини ривожлантиришда ўқув-услубий ишларни қайта ташкил этиш, яъни таълим тизимида ўқув-услубий таъминотни яхшилаш, такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш ва уни амалга татбиқ этишда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш керак, яъни бакалаврларнинг касбий компетентликларини шакллантиришда мутахассислик фанларидан такомиллаштириб яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг таркибий қисмларини замон талабларига мос равишда ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 ноябрдаги “Мультимедиа технологиялари ва ўргатувчи компьютер тренажерлари асосида электрон ўқув-услубий мажмуалар яратилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 462-сонли буйруғига асосан, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларининг бажарилиши, талабалар билим сифати кўрсаткичлари ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиш ҳолатини янада яхшилаш мақсадида олий таълим муассасаларида, жумладан Низомий номидаги ТДПУнинг Касб таълими факультети (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида ҳам такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуалар

яратилди ҳамда уларнинг таркибий қисмлари қайта кўриб чиқилди (1.1-шакл).

Бу таркибий тузилма қуйидаг қисмлардан иборат:

1. Фан дастури.
2. Фаннинг ишчи дастури.
3. Дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар матни.
4. Лаборатория ва амалий (семинар) машғулотлари мазмуни
5. Услубий қўлланма ва кўрсатмалар
6. Фаннинг маъруза ва амалий машғулотларининг ўқитиш технологияси
7. Мустақил ишларни мазмуни ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатма
8. Рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари
9. Глоссарий



1.1-шакл. Фаннинг ўқув услубий мажмуасининг таркибий тузилмаси

Фаннинг ўқув услубий мажмуасини ишлаб чиқишга бир катор дидактик талаблар қўйилади¹⁰.

Ўқув услубий мажмуа анъанавий ўқув нашрларига қўйилган **дидактик талабларга** жавоб бериши керак:

1. *Таълимда илмийликни, фан, техника ва технологияларни сўнги ютуқларни ҳисобга олиниши* (Ўқув материални ўқув услубий мажмуа ёрдамида ўзлаштириш жараёни ўқитишнинг замонавий усуллари билан мос равишда қурилиши керак).

2. *Ўқитишнинг эришувчанлик талаблари* (Ўқув материални ҳаддан зиёд мураккаблаштириш ва ортиқча юклаш мумкин эмас, унда таълим оловчи бу материални эгаллашга ожизлик қилади).

3. *Ўқитишнинг муаммовийлигини таъминлаш талаблари* (Агар таълим оловчи муаммоли топшириқлар ва машқларни бажаришга ҳаракат қилса, унинг фикрлаш фаоллиги ортади).

4. *Ўқитишнинг кўргазмалилигини таъминлаш талаблари* (таълим оловчилар томонидан ўрганилаётган объектлар, уларнинг макетлари ёки моделларини сезгили қабул қилиш ва шахсан кузатишини ҳисобга олиш заруриятини билдиради).

5. *Ўқитишни онглилигини, таълим оловчининг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаш талаблари* (ўқув фаолиятининг якуний мақсад ва вазифаларига эришишда ўқув ахборотини жалб қилиш бўйича таълим оловчиларнинг мустақил ишлашлари учун ўқув услубий мажмуа билан таъминлашни кўзда тутди).

6. *Ўқув услубий мажмуадан фойдаланишда ўқитишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талаблари* (ўрганиладиган фан соҳасида билимлар ва кўникмаларнинг маълум тизимининг таълим оловчилар томонидан ўзлаштирилиши кетма-кетлигини таъминланишини билдиради).

¹⁰ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Фаннинг ўқув –методик мажмуаси таркиби. –Т.: 2009. –44 б.

7. *Ўқув услубий мажмуадан фойдаланишида билимларни ўзлаштириши мустаҳкамлиги талаблари* (талабаларнинг ўқув материални мустаҳкам ўзлаштиришлари учун, уларни чуқур фикрлаш, хотирада сақлаш каби қобилиятларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга).

Ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқишга қўйиладиган **методик талаблар:**

1. Ўқув услубий мажмуа – ўқув материални тақдим этишнинг барча компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилиши керак.

2. Ўқув услубий мажмуа ўқув материални юқори тартибли тузилма кўринишида таъминлаши керак. Фанлараро мантиқий ўзаро боғлиқлик ҳисобга олиниши керак.

3. Ўқув услубий мажмуада таълим оловчига ўқув материални босқичма-босқич ўзлаштириш учун ошириш турли хилдаги назоратларни амалга ошириш имконияти яратилиши керак.

Ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқиш ва фойдаланишга қўйилган методик талабларни ҳисобга олиш билан бир қаторда, уни яратишнинг муваффақиятлилиги ва сифатига таъсир қилувчи бир қатор психологик талаблар ҳам қўйилади. Қуйида ўқув услубий мажмуага қўйиладиган **психологик талаблар** келтирилган:

1. Ўқув услубий мажмуа қабул қилиш, диққат, фикрлаш, тасаввур қилиш, хотира сақлаш каби психологик жараёнлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

2. Ўқув услубий мажмуадаги ўқув материали таълим оловчиларнинг ёшини, таянч билимларини инобатга олиб тузилиши керак.

3. Ўқув услубий мажмуа образли ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ў қ у в у с л у б и й м а ж м у а нинг тузилмаси ва мазмуни ўқув материални чуқур ўрганишга мўлжаллаш билан бир вақтда ўрганилаётган фаннинг ўқув дастурига мос келиши керак. Таълим тизими учун

яратиладиган ўқув услубий мажмуа қуйидаги умумий талабларни ҳам қаноатлантириши керак:

- Ўқув услубий мажмуанинг мазмуни ва таркиби таълим стандартининг талабларига мос келиши керак;

- Ўқув услубий мажмуа ўзида муаммоли ва изланиш топшириқларининг интеллектуал ўргатувчи тизимига эга бўлиши керак;

- Ўқув услубий мажмуа ўқув фаолиятининг излаш, йиғиш, сақлаш, таҳлил, ишлов бериш каби кўринишларни; ҳисоблашларни, лойиҳалаш ва конструкциялашни, тажриба, назорат топшириқларни кўзда тутиши керак;

- Ўқув услубий мажмуанинг тренинг воситалари – таълим олувчини келажакдаги касбий фаолиятига боғлиқ ҳолда виртуал муҳитда тайёрлашни амалга ошириш керак.

Ўқув услубий мажмуани ни ишлаб чиқишга қўйиладиган **техник талаблар** ўз ичига қуйидаги тушунчаларни олади. Ўқув фаннинг таянч кўрсаткичи ўқув режаси ва дастурлари асосида ушбу фанга ажратилган аудитория соатлари ҳисобланади. Агар назарда тутилган соатларни Х билан белгиласак, қолган барча норматив кўрсаткичлар шу соатларга боғлиқ бўлади. Дастлабки нормативлар сифатида қуйидагилар олинади: *бир маъруза соати стандарт тўрт бетдан кам бўлмаган матндан иборат бўлади*. Қолган барча нормативлар таянч кўрсаткичлар вазифасини ўташга хизмат қилади:

а) асосий матннинг ҳажми (саҳифаларда) 4Х дан ошмаслиги лозим, Х – таянч кўрсаткичдир (масалан, назарий таълимнинг ҳажми 100 соат, демак $4 \times 100 = 400$ бет – асосий матннинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ҳажми). Маъруза материалларининг асосий матни ўз таркибига фан юзасидан мавжуд барча боблар, иловалар, адабиётлар рўйхати ҳамда терминлар луғатини қамраб олади;

б) *тренинг ҳамда саволлар миқдори* 2Х дан ошмаслиги лозим;

в) *назорат тестлари ҳажми* (савол ва топшириқлар) 0,5Х чегарасидан чиқмаслиги лозим;

- г) курс ишлари мавзулари миқдори ҳам 0,5X дан ошмаслигига эришиш зарур;
д) якуний назорат саволлари ҳажми 0,5X миқдорида белгиланади¹¹.

Фаннинг ўқув услубий мажмуасининг таркибий тузилмаси қисмларининг айримларини 1.1.параграфда кўриб чиқилган эди. Энди унинг бошқа қисми тўғрисида қуйида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Фаннинг маъруза ва амалий машғулотларининг ўқитиш технологияси. Ўқитувчи томонидан фаннинг шахсга йуналтирилган ва ривожлантирувчи таълимга асосланган ўқитиш технологияси ишлаб чиқилади. Фанни ўқитиш технологияси таълим жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш, ўтказиш, билим ва кўникмаларни баҳолаш жараёнини ўз ичига олади. Ҳар бир машғулот учун технологик хариталари ишлаб чиқилади. Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки машғулот давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада кетма-кетлик қоидаси асосида тасвирланади.

Юқорида санаб ўтилган ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқишга кўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда ва унинг таркибий тузилмасининг ҳар бир қисмини тўғри ҳал қилган ҳолда мажмуа яратилса ва таълим тизимига жорий қилинса, тайёрланаётган мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришлари кўринади ҳамда бугунги замон талабларига мос, муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган, касбий мутахассислиги бўйича кўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар ўз ечимини топади.

I боб бўйича хулосалар:

Диссертациянинг биринчи бобининг параграфларида кўриб чиқилган маълумотлар асосида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) таълим йўналишида мутахассислик фанларидан яратилган ўқув услубий мажмуаларнинг

¹¹ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Фаннинг ўқув –методик мажмуаси таркиби. –Т.: 2009. –44 б.

мазмуний таҳлили шуни кўрсатдики, 2010 йилда яратилган бу мажмуаларга таълим технологиялари киритилмаган бўлиб, машғулотлар жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш назарда тутилмаган. Бу эса ҳозирги компьютер асрида ўқув услубий мажмуалар таркибий қисмларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам тадқиқотимиз жараёнида бакалаврларнинг мутахассисликка оид билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни яратиш зарурлиги аниқланди.

2. Касб таълими йўналиши талабаларига конструкторлик асосларини ўргатишнинг психологик ва педагогик хусусиятлари индивидуалликнинг шаклланиш ва ривожланиш мақсадларини тасаввур қилиш, яъни ижодий фаолият мақсадини белгилаш ҳамда ижодий фаолиятда муваффақиятга эришишга интилиш, ижодий тасаввурнинг ривожланиши, ижодий фаолият шароитида ўз эмоционал ҳолатларини бошқариш, шунингдек, ижодий фаолиятни амалга оширишдаги қатъиятлилиқ, мақсадга интилувчанлик, ечимини топилиши қийин бўлган вазиятларни енгиб ўта олиш, изланувчанлик ҳолатида ўз-ўзини бошқара олиш, ўз ижодий ечимларини таҳлил қила олиш қобилиятларини ривожлантира олиш, ижодкор индивидуал шахс сифати тасаввурларнинг, мустақил фикрлашнинг ривожланиши кабилардан иборат эканлиги аниқланди.

3. Ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда ва унинг таркибий тузилмасининг ҳар бир қисмини тўғри ҳал қилган ҳолда мажмуа яратилса ва таълим тизимига жорий қилинса, тайёрланаётган мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустақил ва мунтазам равишда чуқурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришлари кўринади ҳамда бугунги замон талабаларига мос, муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган, касбий мутахассислиги бўйича қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш каби долзарб масалалар ўз ечимини топиши аниқланди.

II БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИ (ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ) ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ЯРАТИЛГАН ЎҚУВ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси) йўналишида ўқитиладиган “Тиқув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанига давлат таълим стандартида қўйиладиган талаблар ва унинг мазмуни

Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг (1997 йил) қабул қилинганлиги, унинг амалда бажарилишини таъминлаш олий педагогика ўқув юртлари олдида баркамол шахсни тарбиялаш вазифасини қўйди. Бу эса олий таълим тизими олдида касб-ҳунар коллежлари учун билимли, ўз фанининг барча қирраларини мукамал эгаллаган, янги педагогик технологиялардан маълумотга эга, компьютер саводхонлиги шаклланган ва хорижий тилларни ҳам яхши биладиган фан ўқитувчиларини тайёрлашдек, долзарб вазифаларини қўйди¹².

Давлат таълим стандарти бу, талабанинг минимал зарурий ва керакли даражада тайёргарлигини белгиловчи меъёрий ҳужжат ҳамда максимал ўқув юкламаси, таълим мазмунига талаб, таълим бериш усуллари, олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳоловчи, тайёрланган мутахассисларнинг сифатини баҳолаш ва шу билан стандарт талабларини бажармаган шахсларни ҳамда бошқарув аппаратини белгиловчи мезондир.

Давлат таълим стандарти асосида бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиш даражасини баҳоловчи ижтимоий қоидалар бўлажак ўқитувчининг касбий ва шахсий ривожланиши концептуал моделлари моҳиятини таҳлил қилишда ажратиб кўрсатилиши мумкин.

¹² Каримов И.А. Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. -64 б

Давлат таълим стандартларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга қўйилган талаблардан ўқитувчиларни тайёрлаш сифат ва самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий босқичларини келтириш мумкин:

- бўлажак мутахассисларда шундай билимлар тизимини таркиб топтириш керакки, у бир вақтнинг ўзида политехник ва педагогик жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган касбий саводхонликни таъминлаш;

- мутахассиснинг истиқболдаги фаолияти учун зарур бўлган билим ва касбий иш-ҳаракат усуллари, шахсий фазилатларни таркиб топтириш;

- илгари номаълум бўлган шарт-шароит ва фавқулоддаги вазиятларда тўғри хулоса чиқариш учун мустақил фикр юритишга ўргатиш;

- талабаларни имкон қадар, мустақил ишларга йўналтирувчи илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш. Реферат, курс иши ёзиш асосида битирув малакавий ишларини бажаришга ўргатиш¹³.

Юқоридаги босқичларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- касб таълими бакалавр ўқитувчисининг техник, умумтаълим ва гуманитар фанлар бўйича мутахассис бўлиб етишишига эришиш, яъни таълимда техник ва гуманитар билимларнинг чуқур интеграциясини вужудга келтириш;

- камида 2-3 турдош ихтисослик бўйича дарс бера олиш қобилиятига эга бўлган педагогларни тайёрлаш;

- касб-ҳунар муассасаларида турли педагогик вазифаларни бажара оладиган ўқув-тарбиявий жараён раҳбарларини тайёрлаш ҳамда касбий таълим муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб боришга лаёқатли илмий-педагогик кадрларни етиштириш.

¹³ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар./ -Т.: 2011. -44б.

Тадқиқот жараёнида 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар бўйича давлат таълим стандарти таҳлил қилинди¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими таркибидан ўрин олган касб таълими йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларда қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топди:

1. Қўлланилиш соҳаси
2. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар
3. Таълим йўналишининг тавсифи
4. 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи
5. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар
6. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари
7. Бакалавриятнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар
 - 7.1. Бакалавриятнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар
 - 7.2. Таълим дастурини амалга ошириш талаблари
 - 7.3. Малакавий амалиётни ташкил этишга қўйиладиган талаблар
 - 7.4. Педагогик амалиётни ташкил этишга қўйиладиган талаблари
 - 7.5. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлашга талаблари
 - 7.6. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлашга талаблар
 - 7.7. Ўқув жараёнининг моддий-техника базасига қўйилган талаблар
8. Бакалавр тайёрлаш сифатини баҳолаш

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим /5140900 - Касб таълими «5810300 – Сервис» йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар./ -Т.: 2004. -32б.

9. Эслатма

10. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

Бу давлат таълим стандартини 5140900 - Касб таълими (5810300 - Сервис) бўйича давлат таълим стандарти билан таққосланганда, 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича яратилган стандарт бирмунча мукамал ишлаб чиқилган бўлиб, унда бакалавриятнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талабларга атрофлича тўхталиб ўтилган ҳамда атамалар, таърифлар, қисқартмалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисига 5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис) ДТС асосида қуйидаги талаблар қўйилади¹⁵:

Бакалавр умумий малакавий компетенцияларга эга бўлиши билан биргаликда касбий компетенцияларга ҳам эга бўлиши лозим, жумладан:

Умумкасбий компетенциялар бўйича: назарияни амалиётга татбиқ этишни, метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишни, илмий-методик ишларни амалга оширишни, маънавий-маърифий ишлар, ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни билиши керак.

Б а к а л а в р касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва касбий **к о м п е т е н ц и я** талабларига жавоб бериши керак, яъни *ишлаб чиқариш-технологик* фаолиятни, *ташкилий-бошқариш* фаолиятни, *ЎМКХТ тизимида педагогик* фаолиятни олиб бориш қобилиятига эга бўлиши керак. Шунингдек, бакалавр “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” ихтисослик фани бўйича қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- одам танасининг ўлчов белгиларини олиш усуллари;

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар./ -Т.: 2011. -44б.

- кийимларни бошланғич чизмаларини куриш усуллари;
- эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини лойиҳалаш;
- замонавий мода йўналиши асосида кийимларни техник моделлаш асослари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- модел танлашда одам қиёфасига, гавда тузилишига, ёшига қараб мода элементларини қўллай олишни, уни газламага мослаш ҳамда кийилиш жойига мослашни;
- одам гавдасидан ўлчов олиш ва уларни тўғри белгилай олишни;
- турли бичимдаги кийимлар асос конструкциясини чизиш ва уларни таҳлил қила олишни;
- кийимни эскизларини юқори дид билан тасвирлай олиш ва техник моделлаш, буюм андозасини тайёрлашни;
- эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини лойиҳалашни;
- замонавий мода йўналиши асосида кийимларни техник моделлаш асосларини;
- кийим андозаларини тайёрлаш ва уларни тўғри расмийлаштиришнинг техник талабларини;
- кийим андозаларини газламага тежамкорлик билан жойлаштиришни;
- одам қоматида кийимнинг асосий деталларини шакллантиришни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- турли бичимдаги кийимлар асос конструкциясини чизиш ва уларни таҳлил қила олиш;
- кийимни эскизларини юқори дид билан тасвирлай олиш ва техник моделлаш, буюм андозасини тайёрлай олиш;
- одам гавдасидан ўлчов олиш ва уларни тўғри белгилай олиш;
- турли бичимдаги кийимлар асос конструкциясини чизиш ва уларни таҳлил қила олиш;
- кийимни эскизларини юқори дид билан тасвирлай олиш ва техник моделлаш, буюм андозасини тайёрлаш, уни тўғри расмийлаштира олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича “Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани дастурининг зарурий мазмуни ўз ичига қўйидагиларни олади: эркақлар, аёллар ва болалар кийимларини конструкциялаш жараёнида катталар ва болалар гавда турларини эътиборга олиш, яқка тартибда буюм ишлаб чиқаришда кийимларни босқичма-босқич тайёрланиш жараёнлари, эркин туриш қўшимчалари, катталар ва болалар гавдаси турларига қараб гавдадан ўлчовларни олиш йўллари, эркақлар, аёллар ва болалар кийимларини конструкциялаш ва техник моделлаш, гавдаларга мослаб фасон танлаш, асосий буюм андозаларини чиқариш, тайёрланган чизма ва андозаларни таҳлил қилиш, андозаларни газламага тежамкорлик билан жойлаштириш.

5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) ўқув режасида “Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан талабалар 6 ва 7 семестрда, яъни III ва IV курс мобайнида 188 соатлик аудитория, 72 соатлик мустақил таълим олишлиги келтирилган. Фаннинг мавзулари 1-жадвалда келтирилган. Ажратилган бу соатлар миқдори бакалаврларни мазкур фандан билим, қўникма ва малакаларни эгаллашлари учун етарлича ҳисобланади¹⁶.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим 5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар./ -Т.: 2011. -44б.

Маъруза ва лаборатория машғулотларининг мавзулари

Т/р	Боблар бўйича маърузалар номи ва мазмуни	Жами ауд. соати	Маъруза соати	Лаборатория ишлари	Мустақил таълим соати
1	Кириш. «Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш» фанининг мақсад ва вазифалари. Кийимларнинг синфланиши ва уларга қўйиладиган талаблар	4	2		2
2	Буюртмачи гавда тузилишининг хусусиятлари	4	2		2
3	Кийимларни буюртма асосида конструкциялаш учун дастлабки маълумотлар. Тананинг ўлчам белгиларини олиш услубияти	6	2	2	2
4	Кийимнинг ташқи ва ички ўлчамларининг ўзаро боғланиши. Кийимдаги қўшимчалар	4	2		2
5	Кийим деталларининг ёйилмасини олиш усуллари	4	2		2
6	Андозалар чизмаларини тайёрлаш асослари.	4	2		2
7	Болалар кийимларини конструкциялаш хусусиятлари. Мактабгача ёшдаги қиз болалар кўйлагини конструкциялаш ва моделлаштириш	10	4	4	2
8	Мактабгача ёшдаги ўғил болалар кўйлагини конструкциялаш ва моделлаштириш	8	2	4	2
9	Ўғил болалар шимини ва комбенизонини конструкциялаш	10	2	6	2

10	Аёллар белли кийимларини конструкциялаш хусусиятлари. Турли юбкаларни лойихалаш ва моделлаштириш	14	6	6	2
11	Турли шаклдаги аёллар шимларини конструкциялаш ва моделлаштириш	8	4	2	2
12	Аёллар юбка-шимини конструкциялаш ва моделлаштириш	6	2	2	2
13	Елкали кийимларни конструкциялаш хусусиятлари. Аёллар кўйлагини конструкциялаш	8	2	4	2
14	Конструктсия чизмасининг тўғрилигини текшириш	4	2		2
15	Аёллар кўйлагининг кўкрак витачкасини кўчириш	8	2	4	2
16	Турли фасондаги ўтказма энгларни конструкциялаш ва моделлаштириш	10	4	4	2
17	Аёллар миллий кўйлагини ва бўйин ўйиндиларни моделлаштириш	10	4	4	2
18	Аёллар нимчасини техник моделлаштириш, андозасини тайёрлаш	6		4	2
19	Турли бичимдаги кийимларни конструкциялаш ва моделлаш хусусиятлари. Реглан энгли кийимларни конструкциялаш	6	2	2	2
20	Яхлит энгли кийимларни конструкциялаш	6	2	2	2
21	Турли шаклдаги ёқаларни конструкциялаш ва моделлаштириш	10	4	4	2
22	Кийимларнинг янги моделларини конструкциялаш Базавий асослар ёрдамида янги моделлар лойихасини тузиш	12	4	6	2

23	Аёллар риджаги конструкциясини куриш хусусиятлари	13	4	6	3
24	Аёллар уйлик кийимларини моделлаштириш	8	2	4	2
25	Аёллар кундалик кийимларини моделлаштириш	8	2	4	2
26	Аёллар байрам кийимларини моделлаштириш	8	2	4	2
27	Эркаклар кийимларини конструкциялаш. Ўтказма энгли эркаклар кийимларини конструкциялаш моделлаштириш. Эркаклар кўйлаги, энги ва ёқасини конструкциялаш	6	2	2	2
28	Эркаклар пиджаги конструкциясини куриш хусусиятлари	11	4	4	3
29	Турли бичимдаги эркаклар шимларини конструкциялаш	6	2	2	2
30	Типик тана тузилишларидан фарқ қилувчи қоматларга кийимларни конструкциялаш хусусиятлари: турли қоматлар учун кийимларни конструкциялаш хусусиятлари; тўладан келган қоматлар учун кийимларни конструкциялаш хусусиятлари; катта ёшли аҳоли кийим-ларини конструкциялаш хусусиятлари	4	2		2
31	Аёллар устки кийимини лойихалаш	14	6	6	2
32	Андозаларни кўпайтириш усуллари	8	2	4	2
33	Конкрет модел учун астар андозалар ишлаб чиқиш	4		2	2
34	Кийим деталларини стандартлаш ва унификациялаш усуллари. Кийим лойиҳасини ишлов беришга қулайлиги ва тежамлиги	4	2		2

35	Кийим нуқсонларини бартараф қилиш. Кийимнинг конструктив нуқсонлари ва уларни бартараф қилиш усуллари	4	2		2
	Жами	260	90	98	72

Талабаларнинг “Тикувчилик буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўқитишда плакатлар, чизмалар, намуналар, йўриқнома технологик хариталар, кўргазмали техник воситалардан “Компьютер техникаси, кинофильм, видеофильм, диафильм, слайд ва электрон версиялардан” янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш, билим кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш кўзда тутилади.

2.2. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуаларни машғулотларда қўллашнинг шакл, методи ва воситалари

Замонавий ахборот технологиялари халқ хўжалигининг турли соҳаларига, жамиятимизга, кундалик ҳаётимизга ниҳоятда тез суръатлар билан кириб келмоқда. Бу жараёнлардан ўқув - тарбия тизимлари ҳам мустасно эмас. Ҳақиқатан ҳам, замон талабларидан келиб чиқиб, нафақат компьютер технологиялари ва тизимлари бўйича мутахассис бўлувчи талабалар, балки бошқа йўналишдаги талабалар, муҳандислар ва илмий ходимлар ҳам замонавий компьютер тизимларининг қурилма ва дастурий воситаларидан фойдалана олиши, корпоратив ва халқаро интернет

компьютер тизимларида мавжуд бўлган ахборот ресурсларга қира билиши ҳамда улардан оқилона фойдалана билишлари лозим бўлмоқда.

Шуларни эътиборга олган ҳолда ва жамиятнинг тобора ахборотлашиб бориши туфайли, узлуксиз таълим тизимининг ўрта ва юқори босқичларида информатика ва ахборот технологияси, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини компьютерлаштириш бўйича бир қатор янги ўқув фанлари киритилган. Таълим муассасалари замонавий компьютер синфлари билан жиҳозланмоқда, маҳаллий ва минтақавий ҳамда глобал компьютер тармоқларига уланилмоқда ва ҳ.о.

Замонавий ахборот технологиялари, такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуалардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим самарадорлигини юқори бўлишига олиб келади. Ахборот технологияларини ва ўқув услубий мажмуаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш натижасида янги маълумотлар омбори вужудга келади, унда педагогик технологиялар, таҳлилий материаллар каби маълумотлар тўпланади¹⁷.

Кейинги йилларда таълим муассасаларини ахборот технологиялари ва ўқув услубий мажмуалар билан таъминлашда сезиларли ўзгаришлар руй бермоқда. Булар таълим тизими мазмунини бойитишда, унинг сифатини оширишда ва таълимнинг турли самарали шакллларини ташкил қилишда намоён бўлмоқда.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига ахборот технологияларини ва ўқув услубий мажмуаларни таълим жараёнига жорий этиш борасида ҳам бир мунча ижобий ишлар қилинган.

Ўқитувчи - педагогларнинг қатъий ҳаракат қилишларига қарамасдан, дарсни режалаштирилган ҳажмда тўлиқ ўтказиш жуда кам ҳолларда содир

¹⁷ Қўйсинов О. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил амалий фаолият ахамияти. Ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялар бўйича компетентлиги: муаммо ва ечимлар. Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари микёсида илмий-амалий анжумани материаллар. – Тошкент: ТДПУ. 2012 йил. 246-249 бетлар

бўлади. Бунда ўқитувчи вақтнинг маълум бир қисмини ёзув ишларига, ўқув материални баён қилишга сарфлайди. Натижада талабаларнинг дарс давомида олиши мумкин бўлган билимлари режалаштирилгандан анча кам бўлади. Бу фарқни бартараф этиш мақсадида одатда, ҳар хил кўринишдаги усуллар қўлланилади. Буларга мустақил ишлаш, лаборатория ва амалиёт дарслари, талабаларни ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш ёки мутахассислик бўйича объектдаги амалиётларни қўллаш каби усулларни кўрсатиш мумкин. Агар ўқитувчининг малакаси етарли даражада бўлмаса ёки талабаларнинг ўзлаштириш қобилияти суст бўлса юқоридаги фарқ янада кўпаяди. Анъанавий ўқитиш усуллари бу камчиларни бартараф этишда самара бермайди.

Анъанавий ўқитиш усулларида лаборатория ва амалиёт дарсларига етарли миқдорда вақт ажратилади. Бу дарсларда талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари ва маълум соҳалар бўйича малакаларини ошириш имконияти мавжуд. Аммо қуйидаги сабабларга кўра бу дарсларда самарали натижага эришиб бўлмайди:

- мавжуд лаборатория стендлари учун замонавий асбоб — ускуна ва қурилмалар билан етишмаслиги;
- амалий дарслардаги кўпгина лаборатория ишлари эскирган, яъни ишлаб чиқаришда рўйхатдан чиқарилган қурилмалар билан жиҳозланганлиги;
- лаборатория стендлари ва ўқув устахоналарини ҳар йили мукамаллаштириш зарурлиги (бу эса қўшимча ҳаражатлар талаб қилади);
- айрим лаборатория ишларида бажарилаётган жараёнларнинг суст ўтиши сабабли ажратилган вақт мобайнида такрорий таҳлил ва текшириб кўриш ишларини ўтказишнинг мураккаблиги.

Бундан ташқари талабаларнинг билим савиясини ошириш учун кўп ҳолларда дарсларни такрор ҳолда ўтказиш тақозо қилинади. Айрим қурилмаларнинг носозлиги бу ишларни амалга оширишга йўл қўймайди.

Бу кайд этилган муаммолар педагогика олий ўқув юртларида умумкасбий фанларни ўқитишда бугунги кундаги долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни муваффақиятли ҳал этиш бу фанларни ўқитишга ахборот технологияларини ва ўқув услубий мажмуаларни жорий этишни тақазо этади. Чунки, барча фанлар каби умумкасбий фанларни ўқитишда таълимда янги ахборот технологиялардан ва ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиш талабаларининг назарий билимларни пухта ўзлаштиришига, малака ва кўникмаларини шаклланишга ҳамда уларни амалиётда мустаҳкамлашга имконият яратади, турли моделлар асосида ўқитишнинг ноанъанавий шакл, услуб ва воситалардан фойдаланишга ёрдам беради, яъни:

- ахборот технологияси ва ўқув услубий мажмуалар таълим-тарбиянинг дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қулай ўқув объектини танлаш ва уни лойиҳалашда қулай имконият яратади;

- ахборот технологияси ва ўқув услубий мажмуалар ёрдамида автоматлашган ўқув ва назорат дастури ва режалари мазмунини тезкорлик билан ўзгартириш имкониятига эга бўлади;

- ўқитувчи таълим-тарбия олувчи талаба шахсини шакллантириш, ижодий изланиш ва фаол фаолиятини ташкил этишда ахборот технологиялари ва ўқув услубий мажмуалар ёрдамида янги имкониятларига эга бўлади;

- замонавий ахборот технологияси воситалари ёрдамида талабаларнинг ўқув билимлари банки, технологик хариталарини тадқиқ этиш ва уларни ўрганишлар орқали илмий педагогик изланиш салоҳиятлари шакллана боради;

- замонавий ахборот технологияси воситаларига ва ўқув услубий мажмуалар асосланган таълим — тарбия ишларининг натижалари уларга сарфланган кам вақт билан ўлчанади.

Янги ахборот технологиялари воситаларидан ва ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиб қўйилган педагогик мақсадга муваффақиятли

эришиш фақат ахборотли - ўқув муҳитида ишлаш шароитида амалга оширилиши мумкин.

Ахборотли — ўқув муҳити деганда, ўрганувчи, ўргатувчи (ўқитувчи) янги ахборот технологиялари воситалари ўртасидаги ўқув-ахборотли ўзаро хатти - ҳаракатлар жараёни пайдо бўлиш ва ривожланишга имкон берувчи шарт - шароитлар мажмуаси ҳамда муайян ўқув курси бўйича предметли мазмун муҳити компонентлари (компьютерга уланувчи турли хил ўқув, намоиш қилувчи жиҳозлар, дастурли воситалар ва тизимлар, ўқув-кўргазмали қўлланмалар ва бошқалар) жамланган шароитда ўрганувчининг фаол билиш фаолиятини шакллантириш тушунилади.

Ахборотли — ўқув муҳитининг мақсади:

а) шахснинг ижодий ташаббускорликка қобилияти ва потенциали имкониятларини аниқлаш уларни оммалаштириш ва ривожлантириш;

б) билимларни мустақил эгаллаш ва уларни сифатли ўзлаштириш учун шарт - шароит яратиш;

в) ўқитиш натижаларини таҳлил қилишни автоматлаштиришни таъминлаш¹⁸.

Ҳозирги кунда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда замонавий ахборот технологиялари ҳамда ўқув услубий мажмуалар ва уларни ҳаётга жорий этиш тажрибаларидан фойдаланиб, ўз билимларимизни мунтазам равишда ошириб боришимиз зарур экан ва бунда самарали инновацион услубларни ўзлаштириб олиб уларни амалиётга жорий қилишимиз лозим. Бу борада замонавий ижодкор ўқитувчи олдида қуйидаги вазифаларни мақсадга мувофиқ ҳолда ҳал қилиб олиш туради:

- ўқитишнинг ҳар бир босқичида, яъни ўқув режасидаги ҳар бир фанлар блокларида таълим мазмуни (ўқув режаси ва дастури, ўқув

¹⁸

Ҳамидов Ж.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига ахборот технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари. (умумкасбий фанларни ўқитиш мисолида): Дис. ... пед. фан. ном. – Жиззах, 2005. – 194 б.

режасидаги фанлар блоклари узлуксизлиги ва узвийлиги, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатма ва тавсиялар)ни аниқлаб олиш;

- ўқув юкмасини аниқлаш ва уни ўрганишга талабалар вақт бюджети ҳамда салоҳиятини мослигига эътибор бериш;

- таълим-тарбиянинг шакллари, услублари ва уларга инновацион услубларни қўллаш имкониятлари мавжудлигини баҳолай олиш;

- ўқув жараёнининг мотив компонентини рўёбга чиқариш мақсадида фаннинг мазмунига киритиш учун қўшимча равишда вазиятли, (муаммоли) матнлар, тест - саволлари тайёрлаш;

- касбий сифатлар ва педагогик малакаларни аниқлашга йўналтирилган компьютер дастурларини ишлаб чиқиш;

- талабалардаги ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва унинг мониторингини олиб бориш учун эса мезонлар ҳамда билим ва малакаларнинг эгалланиш сифатини холисона баҳолаш учун тест — топшириқларини тайёрлаш;

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўрганиладиган фанлар бўйича мақсадлар кетма-кетлиги аниқланиб, ундаги охириги мақсадга эришиш учун ҳаракатчан моделларни қўллай олиш ва шу кабилар¹⁹.

Бу қайд этилган вазифалар фан ўқитувчисида тўлиқ мужассам этилган бўлса, у ҳолда ундан таълим олаётган талабалар ижодий фикрлашга ўрганадилар, далилларни изоҳлаш кўникмаларига эга бўладилар ва натижаларни таҳлил қилишни ўргатиш орқали талабаларда янгича тафаккур пайдо бўлади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳамма вақт ҳам ҳар қандай ўқитувчи ўзида мужассам қила олиш имкониятига эга бўлавермайди. Бундай ҳолларда ўрганилаётган фаннинг ўқув-услубий таъминотини компьютерлаштирилган ҳолда тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади.

¹⁹ Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. -Т.: Фан нашриёти, 2004. -130 б

Бунда ўқитувчи биринчидан, ўзининг фани бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган бўлиши керак бўлса, иккинчи томондан замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини ҳам юқори даражада билишлигини талаб этилади. Бунинг натижасида ўқитувчи муайян фан бўйича ахборотли-ўқув муҳитини ярата олади.

Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда “Тиқув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини ўқитиш жараёнини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиб, юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришда шу фандан такомиллаштириб яратилган ўқув услубий мажмуанинг роли каттадир. Унинг роли шунда кўринадикки, Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши талабаси олий таълим муассасасига қабул қилинган даврдан эътиборан унга касбий тайёргарлик жараёнида давлат таълим стандартлари асосида яратилган ўқув режа, дастурлар бўйича тўлиқ билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган ўқув услубий мажмуалар эътиборга олинади, чунки давлат таълим стандартларида таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор педагогик, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари асосида, ўқитишнинг энг мақбул усулини қўллаган ҳолда ташкил этилиши талаб этилади. Ўқув услубий мажмуани таълим жараёнида қўллаш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тайёрлаш босқичлар қуйидагилардан иборат:

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим мазмуни белгиланади.

2. Талабага билим беришдаги ўқув услубий мажмуа таркибига кирган ўқитиш методлари: оғзаки, яъни билимларни сўз билан баён этиш методлари: суҳбат, ҳикоя, тушунтириш, маъруза, баҳс-мунозара, натижаларни таҳлил қилиш; кўрсатмали методлар: расмлар, плакатлар, хом-ашёни намойиш этиш, слайдлар, саёҳатлар; амалий методлар дарс мавзуларига мос равишда танланади.

3. Таълим шакллари: якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳда, гуруҳлараро олиб борилади. Дарс ўтказиш жойи: ўқув хоналарида, ўқув хонасидан ташқарида олиб бориши белгиланади.

4. Таълим воситалари: аниқ воситалар, станоклар, дастгоҳлар, тайёр маҳсулотлар аниқланади.

5. Техник воситалар: проектор, киноаппарат, видеомагнитофон, компьютер, видеофильмлар, мультимедиа, кодоскоп, доска-стендлардан фойдаланиш йўллари аниқланади.

6. Ўқув материаллари – чоп этилган ўқув ва кўргазмали материаллардан фойдаланилади.

Талабада касбий билим ва кўникмалар шаклланиши учун умумкасбий, махсус фанлардан назарий билимлар, интеллектуал билим ҳамда амалий кўникмалар, автоматлаштирилган назарий билим ва кўникмалар мажмуи, назорат, шунингдек, мониторинг тизими ишлаб чиқилиши зарур. Бу босқичлар тўлиқ амалга оширилгач, касбий билим ва кўникмаларга эга бўлган бўлажак ўқитувчи шаклланади. Тавсия қилинган бу босқичларни амалга оширишда таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни қўллаш талаб этилади.

Замонавий шароитларда самарали техник ечимларни ишлаб чиқиш учун нафақат ахборот ва маълумотлардан, балки фандаги энг янги қарашлардан ҳам фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Янги ахборот технологиялари воситасидан фойдаланиш ақлий меҳнат сарфининг тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш, янги илмий-техникавий ахборотлар, энг янги маълумотлар билан тезкор танишиб бориш, уларни қидириш ва таҳлил қилишнинг самарали усуллари жорий қилиш, амалга оширилган вазифани бошқа бир изланувчи томонидан қайта бажарилишини бартараф қилиш имконини беради. Шунинг учун талабаларнинг мустақил ишлашларини ташкил қилиш керак. Талабага берилган топшириқни бажариши учун глобал интернет тизимидан фойдаланиш йўллари кўрсатилади. Топшириқ муаммоларини ҳал қилишда одатдаги усул ёзма манбалардан фойдаланиб

бажарилганда, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлашни ва демак, жуда кўп вақт сарфлашни талаб этади. Шунинг учун катта ҳажмдаги ахборотларни автоматлаштирилган ўқув ахборот тизимидан фойдаланиб, қайта ишланганда эса ижодкорлик фаолияти юқори савияда бўлишига, самарали техника ва технологияларни ишлаб чиқишда қабул қилинадиган техник ечимларнинг тузилмавий ва фаолият мезонлари жиҳатидан илмий асосланишига сарфланадиган вақтнинг тежамлилигига эришилади.


Таълим тизими компьютерлашиб бораётган бир вақтда ўқитишни компьютер технологияларидан ва ўқув услубий мажмуалардан фойдаланган ҳолда олиб бориш талаб қилинади. Мазкур тадқиқот ишимизда мутахассислик “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини компьютер ёрдамида ўқув услубий мажмуаларни қўллаб ўқитиш технологиясини амалга оширишнинг услубий тизими (2.1-шакл) ишлаб чиқилган бўлиб, у асосда ўқитишнинг анъанавий таълим технологияси билан замонавий таълим технологияларини уйғунлаштирган ҳолда жорий этиш, ўқитишнинг фаол усуллари ва компьютер технологиялар ёрдамида ўқитишни ташкил этиш, ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди ва тажрибаларда синовдан ўтказилди.

Ушбу тизимга кўра фан бўйича ўқув режа ва дастурларга кўра ўқитиш жараёни режалаштирилади. Ўқитиш жараёнини режалаштиришда мазкур фан бўйича мавзу мазмуни, таълим технологияси, янги ўқитиш воситалари, шакл ва усуллари танланади.

Ўқитиш воситалари – маълум ўқитиш усулини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилар бўлиб, бу ерда компьютер технологияларидан фойдаланишда компьютер, видеокўз, проектор, экран ва бошқа техник воситалар кўзда тутилади²⁰.

²⁰ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси.
Низомий номидаги ТДПУ. 2010. – 59 б.

Таълим технологияси – маъруза, лаборатория, амалий машғулотлардан иборат назарий ва амалий билимлар беришнинг формаси бўлиб, компьютер технологияларини жорий этиш йўллари фан бўйича ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилади.



2.1-шакл. Ўқув услубий мажмуани таълим жараёнига татбиқ этишнинг услубий тизими

Ўқитиш усуллари аввало жараён бўлиб, билиш йўлидир. У бирор жараён бўйича билимларни эгаллашга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуасидан иборат. Ўқитишнинг фаол усуллари ва компьютер технологиялари ёрдамида ўқитишни жорий этишда, таълимга мўлжалланган электрон ўқув қўлланмадан фойдаланиш (“Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари” электрон мультимедиали дарслик) ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш синаб кўрилди²¹.

²¹ Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ. «Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари» курси бўйича электрон мультимедиали дарслик. Электрон мультимедия китоби. Давлат патент идораси томонидан берилган гувоҳнома №DGU00931. 2005

Ўргатиш объектида ўзлаштириш учун қийин бўлган юқори даражадаги ўқув информациясини талабаларга тақдим этишда электрон дарсликлар ўргатиш объекти ҳақидаги билимларнинг мақбул манбаси сифатида намоён бўлади.

Электрон дарсликлар ёрдамида касб таълими талабаларининг касбий фанлардан тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг асосий шарти, касб таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнига дидактик тавсифлари такомиллаштирилган ва педагогик имкониятлари яхшиланган электрон дарсликларни кенг қўллаш ҳисобланади. Ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиш жараёнида Қ.М.Абдуллаева томонидан яратилган “Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари” электрон мультимедиали дарслигидан ҳам фойдаланилди.

Электрон дарсликларининг асосий қўлланилиш соҳалари махсус ўқув босқичларининг турли хил машғулотлари бўлиб, моделлаштиришнинг асосий (бош) предмети эса талабалар томонидан ўзлаштириш учун қийин бўлган ўрганиш объектлари ҳисобланади. Мураккаб ўқув маълумотининг ҳажми катта бўлиб ўқув вақтининг реал бюджети кам бўлган ҳолатда электрон дарсликларини қўллаш мақсадга мувофиқлигининг муҳим кўрсаткичи деб ҳисоблаш мумкин.

Электрон дарсликлар ахборотни турли кўринишларда - матн, жадвал, графика, овоз, анимация, видеотасвир, мусиқа ёрдамида йиғиш ва сақлаш вазифаларини бажаради. Электрон дарслик «инсон-компьютер» интерфаол мулоқотининг янги такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи кенг ва ҳар томонлама ахборот олади, ўқув тарбия жараёни фаоллаштирилади, таълим самарадорлиги ошади, мавзунинг узоқ вақт хотирада сақланишини таъминлади, мустақил таълим олиш имконияти кўпаяди, талабанинг компьютер саводхонлиги ошиб боради²².

²² Электрон ўқув услубий мажмуалар. Олий таълим муассасалари учун / А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. –Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2008. – 144 б.

Ўқитувчининг ўзи компьютер орқали талабанинг фаолиятини алоҳида кузатиб боради. Демак, электрон дарслик компьютер воситасида ўқув курсини ёки унинг бирор қатта бўлимини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштиришни таъминловчи дастурий методик комплекс бўлиб ҳисобланади.

Электрон дарслик ҳар қандай бошқа қўлланма каби таълим мазмунини тарғиб этувчи ва ўқитиш воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлашга қатта эътибор қаратилади, яъни машғулотдан кутиладиган натижани кафолат учун ишчи дастур, ўқитувчининг мақсадлари, талабаларнинг вазифалари ва назорат тпшириқлари мазмунига мувофиқ мазмунини ишлаб чиқиш ҳамда машғулотнинг жараёнини ўқитувчи фаолияти (асосий ўринлар) ва у билан ўзаро боғлиқ талабаларнинг фаолият тавсифи асосида, шу машғулот учун тобора самарали (жумладан, интерфаол) методлар, дидактик воситалар ва жиҳозларни танлаш билан лойиҳалаштириш керак.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин, таълим жараёнига ахборот технологияларини ва ўзида кўплаб таълим шакли, усул ва воситаларини қўлланган ўқув услубий мажмуалардан фойдаланиш яхши самара беради, яъни талабаларининг назарий билимларни пухта ўзлаштиришига, малака ва кўникмаларини шаклланишга ҳамда уларни амалиётда мустақкамлашга имкониёт яратади.

2.3. Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида иختисослик фанидан машғулотларни олиб боришнинг таълим технологияси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишда ҳамда ёш авлодни юқори савияда тайёрлашни таъминлаш мақсадида миллий кадриятлар сингдирилган фанлар бўйича ўқув услубий мажмуаси яратиш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторига киритилган. Бугунги кунда илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация воситалари кенг жорий этилган жамиятда барча фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни тез ва сифатли эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини кўймоқда. Шунинг учун интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида ижодий фикрлайдиган шахсларни шакллантириш ҳамда юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ўқув услубий мажмуаларнинг янги авлодини яратишни талаб қилмоқда.

Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб ўқув услубий мажмуаларни яратиш бўйича дидактик, психофизиологик, методик, техник ва дастурий талабларни ишлаб чиқиш, ўқув услубий мажмуалардан тўғри ва рационал фойдаланиш, унинг шакллари ва турларига таърифлар бериш ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича масалалар кўламини аниқлаш талаб этилади.

5111000 – Касб таълими (5610100 – Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида ўқув услубий мажмуалардан фойдаланишда қуйидаги таълим технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналтирилган таълим;
- табақалаштирилган таълим;
- дастурлаштирилган таълим;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;

- ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳалаш методи, тармоқли режалаштириш методи, ақлий ҳужум методи ва ҳ.к.)

Қуйида ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқишда фанни ўқитиш технологиясининг умумий намунавий тузилмаси тавсия этилган.

1. *Умумий ўқув мақсадлари.* Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, хатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни удалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди. Ҳар бир фаннинг ўқув мақсадлари тўғри белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Умумий ўқув мақсадларнинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқиб белгиланади. Умумий ўқув мақсадлари йўналтирувчи мақсадларни аниқлаштиради. Умумий ўқув мақсадлари таълим олувчи муайян фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ҳақида умумий тасаввурни беради.

2. Ўқитувчи томонидан назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси, дарс ишланмаси ва технологик харитаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш имконини беради.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулотни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак машғулотни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки машғулотнинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир машғулот учун ўқитилаётган фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Машғулотнинг ўқитиш технологияси ва технологик харитасини тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир машғулотнинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб

тузилган машғулотнинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ²³.

Машғулотнинг ўқитиш технологияси ва технологик харитасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Машғулотнинг ўқитиш технологияси ва технологик харитаси қандай тузилган бўлмасин, унда машғулот жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ, белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, машғулот жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ, ўз ифодасини топган бўлиши керак. Мисол тариқасида машғулотнинг ўқитиш технологияси ва технологик харитаси схемаларини келтирамиз.

2-жадвал.

Машғулотнинг ўқитиш технологиясининг модели

Мавзу	
Вақт	
Ўқув машғулотининг шакли	
Ўқув машғулотининг режаси	
Ўқув машғулотининг мақсади:	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
Ўқитиш услуби	
Ўқитиш воситалари	
Ўқитиш шарт-шароитлари	

3-жадвал.

Машғулотнинг технологик харитасининг модели

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
Кириш,	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган	Тинглайдилар, ёзиб

²³ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси.
Низомий номидаги ТДПУ. 2010. – 59 б.

... дақ.	<p>натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради</p>	<p>оладилар.</p> <p>Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
Асосий, ... дақ.	<p>2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий хужум орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>2.2. Маъруза, семинар, амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади</p>	<p>Жавоб берадилар</p> <p>Ёзадилар.</p> <p>Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар.</p>
Якуний, ... дақ.	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

Дидактик материалларга талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, кросвордлар каби материаллар киради. Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор беришлари керак:

- муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
- тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;

- турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
- тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
- янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари талабаларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтирилган бўлади. Ўқув материаллари талабаларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизимини қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш дилиллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янги фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради²⁴.

Мустақил ишларнинг турлари, шаклларини танлашда оддийдан-мураккабга ҳамда умумийдан-хусусийга мавҳумдан-аниқликка тамайилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талаба шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

²⁴ Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси.
Низомий номидаги ТДПУ. 2010. – 59 б.

Тадқиқот ишимизда “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан маъруза ва лаборатория машғулотларининг таълим технологияси ишлаб чиқилган ва шулар асосида тадқиқотимизнинг тажриба синов ишларини амалга оширганмиз (2-илова).

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши бўйича бакалавр ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ихтисослик фанларини ўқитиш таҳлил қилинди ҳамда ахборот технологияларини ва ўқув услубий мажмуаларни таълим жараёнига татбиқ этиш методикаси ёритилди.

2. Касб таълими (хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида бўлажак ўқитувчининг ўқув услубий мажмуани таълим жараёнига татбиқ этишнинг услубий тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

3. “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини таълим технологиясини амалга оширишнинг услубий тизими ишлаб чиқилди.

4. Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишидаги мутахассислик фанлари машғулотларидаги конструкторлик-технологик фаолият - ижодий ва билиш-ижрочилик фаолиятларини бир-бирига қўшиш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлган методлар ва воситалар ўрганилди.

5. Тадқиқот ишимизда “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан маъруза ва лаборатория машғулотларининг таълим технологияси ишлаб чиқилди ва шулар асосида тадқиқотимизнинг тажриба синов ишларини амалга оширилди.

III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. Яратилган ўқув услубий мажмуаларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Бизга яхши маълумки, педагогик йўналишда ташкил этилаётган иши икки муҳим таркибий қисм назарий ҳамда амалий фаолиятлар асосида ташкил этилади. Муаммо ёки унга турдош бўлган мавзуларда яратилган манбаларни тўплаш, уларнинг мазмуни билан танишиш, илгари сурилган асосий ғояларни умумлаштириш, мазкур ғоялар асосида олиб борилаётган тадқиқот моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилувчи қарашни асослаш, тадқиқот натижаларига таянган ҳолда умумий хулосаларни шакллантириш, шунингдек, истиқболда тадқиқ этилган муаммо бўйича ташкил этилувчи педагогик фаолият (ёки ижтимоий-педагогик) жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи тавсияларни ишлаб чиқиш каби ҳолатлар тадқиқот фаолиятининг назарий жихати моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида илгари сурилган назарий ғояларнинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш йўлида ташкил этилувчи уриниш эса амалий фаолият моҳиятини тавсифлайди. Мазкур ўринда тажриба-синов майдонларини белгилаш, тажриба-синов ишларида иштирок этувчилар сонини аниқлаш, назорат ва тажриба гуруҳларини шакллантириш, тажриба ишларини йўлга қўйиш учун муайян педагогик шарт-шароитларни яратиш, тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган методикани яратиш, бевосита ва билвосита тажриба ишларини йўлга қўйиш, тажриба-синов ишларида иштирок этувчилар ўртасида анкета ва ижтимоий сўровлар ҳамда машғулотларни ташкил этиш

хамда тажриба-синов ишлари натижаларини умумлаштириш, уларни таҳлил қилиш (шу жумладан, математик-статистик метод ёрдамида) каби ҳолатлар эса магистрлик диссертацияни тайёрлашдаги иккинчи муҳим таркибий қисми мазмунини ёритишга хизмат қилади.

Педагогик йўналишда тадқиқотларни олиб боришда алоҳида эътибор берилиши зарур бўлган яна бир жиҳат борки, уни инобатга олмаслик мазкур диссертация ишининг самарали кечмаслиги учун замин яратади. Ушбу жиҳат назарий ва амалий фаолиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик ва узвийликнинг таъминланиши зарур эканлигини ифодалайди. Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий фаолият ўзаро мутаносиблигига эришиш қўйидаги шартларга тўла амал қилиш асосида кечади:

- а) тадқиқот мақсади ва вазифаларининг тўғри белгиланиши;
- б) тадқиқот методларининг тўғри танланиши;
- в) қўлга киритилувчи натижа хусусида маълум тасаввурларга эга бўлиш;
- г) муайян педагогик шарт-шароитларни яратиш;
- д) пухта асосланган лойиҳа асосида иш юритиш.

Касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятга асосланган таълим технологиясининг моҳиятини ёритувчи асосий назарий ғояларни амалиётда синовдан ўтказиш тажриба ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад этиб белгиланди.

Касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантириш муаммосини тадқиқ этиш жараёнида тажриба-синов ишларининг муайян тамойиллар асосида йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Муаммо моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида қўйидаги тамойиллар устуворлигининг таъминланиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди:

1.Тажриба-синов ишларини ўтказилишидан кўзланган мақсаднинг аниқлиги.

2. Асосий мақсадга эришиш йўлида вазифаларнинг тўғри белгиланганлиги.

3. Тажриба-синов ишларини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошувнинг қарор топганлиги.

4. Олий ўқув юртининг ички имкониятлари, шунингдек, педагоглар фаоллик даражаси ва касбий маҳоратлари даражасининг инобатга олинганлиги.

5. Тажриба-синов ишлари жараёнининг диалектик ва динамик хусусиятларининг эътиборга олинганлиги ҳамда унинг изчил, узвий, тизимли ва мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги.

6. Тажриба жараёнида инсонпарварлик ва демократик ғояларнинг устуворлиги.

7. Респондентларнинг психологик ва физиологик хусусиятлари, шунингдек, уларнинг ҳоҳиш - истаклари ҳамда қизиқишларини инобатга олиш.

8. Тажриба-синов ишларини олиб боришда ишлаб чиқариш субъектлари билан интеграцияга эришиш.

Касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантириш борасидаги тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда ташкил этилди: асословчи, шакллантирувчи ва таъкидловчи тажрибалар. Уларнинг ҳар бири аниқ вазифаларнинг ҳал этилишига йўналтирилди. Хусусан:

1. Тажриба-синов ишларининг ташкилий босқичи. Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичи бўлган ушбу босқичда Касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятнинг умумий мазмунини акс эттирувчи ҳаракат дастури ва ишчи режа ишлаб чиқилди, амалий фаолият олиб борилувчи умумий давр ва босқичлар белгиланди, уларда бажарилиши зарур бўлган аниқ вазифалар, уларнинг бажарилиш муддати белгиланди. Тажриба-синов ишлари учун объектлар танланди, олий ўқув юртларида фаолият юритаётган

Ўқитувчиларнинг шахси ва фаолияти моҳияти, педагогик тажрибалари борасидаги маълумотларни тўплаш, улар билан мулоқотлар ташкил этиш асосида тажриба ишларини олиб борувчи масъул ўқитувчилар белгиланди, уларга ҳамкорликда йўлга қўйилувчи фаолият моҳияти, мазкур жараённинг умумий моҳияти, қўлга киритилиши кутилаётган натижалар хусусида маълумотлар берилди. Респондент-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг сони аниқланди, амалий фаолиятга жалб этилган талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Касб таълими йўналиши талабалари ҳамда респондент-ўқитувчиларининг фаолиятлари бевосита ва билвосита ўрганилди, улар ўртасида дастлабки анкета ва ижтимоий сўровлар ташкил этилди, натижалар умумлаштирилди, улар асосида хулосалар чиқарилди. Хулосаларга таянган ҳолда фаолият дастури ва ишчи режада белгиланган вазифаларнинг моҳияти янада аниқлаштирилди. Касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантиришга хизмат қилувчи ишланмалар тайёрланди.

2. Тажриба-синов ишларининг бевосита ташкил этиш босқичи. Ушбу касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга имкон берувчи шарт-шароитлар яратилди. Чунончи, талабаларга кийим дизайнининг асослари моҳиятини ёритувчи маълумотлар базаси, уларни талабаларга етказиб берувчи ҳамда талабаларга одам қоматига мослаб кийим композицияси ечимини тўғри ҳал қилиш борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим технологияларига асосланган ўқув услубий мажмуа тайёрланди.

Таълим технологияларига асосланган ўқув услубий мажмуа ўзида қуйидагиларни акс эттиради: янги, замонавий мода йўналишларини, безак деталларни эътиборга олган ҳолда янги моделлар яратиш йўллари юзасидан тушунчалар бера олувчи адабиётлар, илғор иш тажрибалари (шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг тажрибалари), касбий фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган шахсий ва иродавий сифатларга эга бўлиш борасидаги

талаблар, амалий кўникмаларни ўзлаштиришда – муҳим база бўлиб хизмат килувчи ишлаб чиқариш субъектлари (корхона, ташкилот, модалар уйлари, кичик тикувчилик корхоналари) ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотлар.

3. Тажриба-синов ишларининг якуний босқичи. Сўнгги босқичда амалий фаолият кўрсаткичларини умумлаштириш, таҳлил этиш, асосий натижаларни эса математик-статистик метод ёрдамида қайта таҳлил этиш ҳамда умумий хулосаларни чиқариш каби ҳаракатлар олиб борилди. Тажриба-синов ишларини олиб боришга масъул бўлган ўқитувчилар иштирокида касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантириш борасидаги махсус методиканинг самарадорлик даражаси ҳолис баҳоланди.

Бизга яхши маълумки, тажриба-синов ишларининг муваффақиятини таъминлашда кўзланган мақсадга эришиш ва вазифаларни ижобий ҳал этишга имкон берувчи самарали шакл, метод ва воситаларнинг танланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис амалий фаолиятни ташкил этиш жараёнида қўлланилувчи шакл, метод ва воситаларни белгилаб олиш ҳамда бевосита тажриба орқали уларнинг самарадорлигини аниқлашга ҳам эътибор қаратилди.

Тадқиқот жараёнининг моҳияти ва якуний натижаларга асосланган ҳолда куйидаги шакл, метод ва воситалар касб таълими йўналиши талабаларига касбий компетентликларини ривожлантиришда кутилган натижаларга эришиш имконини бериши аниқланди:

Фаолият шакллари: суҳбат, давра суҳбати, учрашув, амалий машғулотлар, дебат, амалий тренинг, экскурсия, конференция, семинар, танлов, маъруза ва ҳоказолар.

Фаолият методлари: педагогик кузатув, суҳбат, анкета, тест ҳамда ижтимоий сўровларни ташкил қилиш, ҳикоя қилиш, экскурсия, намойиш этиш, кўрғазмалилик, амалий машғулот.

Фаолият воситалари: ўқув услубий мажмуа, махсус методика, машғулотлар учун ишланмалар, кўрсатмали қуроллар (схема, тасвир, жадвал,

плакат ва макетлар), ўқув ва техник жиҳоз (шу жумладан нусха кўпайтириш қурилмалари, тренажёр) лар, иш ўринлари (устахона ва лабораториялар), ахборот технологиялари (компьютер, радио, телевизор, аудио ва видео магнитофонлар) кабилар.

Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети Касб таълими (Сервис) таълим йўналишида тахсил олаётган 4-курс гуруҳларида олиб борилди. Тажриба-синов майдончалари танланиб, режа бўйича ишлар амалга оширилди. Касб таълими (Сервис) таълим йўналишида олиб борилишининг сабаби Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини 3-курсдан бошлаб ўқийдилар, чунки бу йўналишдага ўқув режаси 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб тизимга туширилган. Шунинг учун Касб таълими (Сервис) таълим йўналишида олиб борилди, чунки бу йўналишда фанга ажратилган аудитория соати 132 бўлиб, Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишидаги шу фан бўйича айрим мавзуларни ўз ичига олмаган (масалан, аёллар ва эркеклар пиджаги, ўғил болалар курткази ва комбинезони ва ҳоказо)

Тажриба-синов ишлари тайёргарлик даражаси бир хил бўлган, шартли равишда “тажриба гуруҳи – S-401” ва “назорат гуруҳи – S-402” деб белгилаб олинган гуруҳларда ўтказилди. Тажриба-синов ишлари бир хил материал ва икки хил методикадан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, иккала гуруҳ талабаларида шаклланган касбий педагогик билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар таққосланди. Шунингдек, “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” ўқув предметининг мазмуни, ўрганиш шарт-шароитлари, методлари танланиб, савол-жавоб, педагогик кузатиш натижалари, талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари жамланди.

Тажриба учун ишлаб чиқилган ўқув услубий мажмуаларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- маъруза ва амалий машғулотларнинг янги педагогик технологиядан фойдаланиб ўтказилиши;

- кўргазма ва дидактик материалларнинг юқори савияда бажарилганлиги;

- ноанъанавий таълим методидан тўғри фойдаланилганлиги;

- ўқув услубий мажмуанинг таълим жараёнида тўғри қўлланилганлиги.

Тадқиқотни амалга ошириш дастурига биноан талабаларда касбий педагогик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш сифатининг статистик тавсифини тузиш кўзда тутилган эди. Бу педагогика олий ўқув юртларининг Касб таълими факультетларида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” ўқув предметини ўқитиш бўйича ишлаб чиққан дастур ва методикамиз мазмунининг самарали эканлигини баҳолаш имконини берди.

Тадқиқот мавзуси юзасидан шакллантирувчи педагогик тажриба-синов ишларининг талабалар билим даражасини тажриба ва назорат гуруҳларида аниқлаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш босқичи амалиётчи ўқитувчилар билан ҳамкорликда муаллиф томонидан 2011-2013 йилларда амалга оширилди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижалари тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида ўтказилган тест (3-илова) синовлари асосида 4-жадвалда ифодалаб берилган.

Талабалар билимларини баҳолашда 100 баллик рейтинг тизимидан фойдаланилди.

4-жадвал. Тажриба бошида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича талабаларнинг билим даражалари

Ўқув йили	Олий ўқув юрти	Талабалар сони		Даража (ўзлаштириш)	Тажриба гуруҳида	Назорат гуруҳида
		Таж. гур	Наз гур			
2011-2012 й.	ТДПУ	25	22	Энг юқори (аъло)	3 (12%)	3 (14%)
				Юқори (яхши)	6 (24%)	4 (18%)
				Ўрта (қониқарли)	16 (64%)	15 (68%)

“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанининг тажрибавий дастури, уни ўқув жараёнига қўллаш методикасининг самарадорлигини текшириш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари тадқиқотчи томонидан шу фан ўқитувчилари, шунингдек, амалиётчи ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тажриба-синов ишини бошлашдан аввал ва уларни ўтказишда фан мазмунини очиқ берувчи маълумотлар, тадқиқотчи ҳамда ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижаси тадқиқот илмий фаразини тасдиқлашга хизмат қилди. Тажриба синов ишлари жараёнида талабалар билим даражасининг ўсиб бориши таснифланган мезонни кўрсатди. Фанлар юзасидан маълумотларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, янги маълумотларни эгаллашга интилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятларини шакллантириш, талабаларнинг мустақиллиги, уларнинг ижодий фаоллигини, касбий сифатларини ривожлантириш “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанининг асосий кўрсаткичлари сифатида қабул қилинди.

Тадқиқот давомида фан юзасидан яратилган ўқув услубий мажмуадан тўлиқ фойдаланган ҳолда, унда берилган “Ақлий ҳужум”, “Муаммоли ўқитиш”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Айланма стол”, “Ручка стол ўртасида”, “Гуруҳий қидирув”, “Модулли таълим” каби методларга асосланган педагогик ўйинлар ташкил этилди. Бу методлар ўқитувчи ва талабалар ўзаро ҳамкорлигини юзага келтирувчи - махсус ташкил қилинган ўйинлардир. “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” дарслари: янги мавзунини тушунтиришда намоёниш қилиш, муаммоли вазиятларни юзага келтириш, мунозара уюштириш, талабаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш каби шаклларда, талабалар фаолликларини ўстириш, мустақил ижодий тафаккурларини шакллантириш, илмий янгиликка бўлган интилишларини ривожлантириш ва бошқа мақсадларда олиб борилди. Мазкур педагогик ўйинлар “Тикув буюмларини буюртма асосида

конструкциялаш” фанидан маъруза, амалий, лаборатория, шунингдек, мустақил таълим машғулоти давомида ҳам ўтказилди

Тажриба бошида 4-курс талабалари билан ўтказилган тест мазмуни 3-иловада берилган. Тажриба охирида эса талабалардан “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан оралиқ назорат ишлари ва саволномалардан синовлар қабул қилинди. Уларнинг мазмуни 4-иловаларда берилган.

“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича тажриба ҳамда назорат гуруҳларида тажриба охирида ўтказилган якуний назорат, тест синовларининг натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал.

Тажриба охирида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражалари

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Олий ўқув юрти	Талабалар сони		Даража (ўзлаштириш)	Тажриба гуруҳида	Назорат гуруҳида
		Таж. гур	Наз. гур			
2012-2013 й.	ТДШ	25	22	Энг юқори (аъло)	8 (32%)	5 (23%)
				Юқори (яхши)	9 (36%)	6 (27%)
				Ўрта (қониқарли)	8 (32%)	11 (50%)

Гуруҳдаги талабаларнинг билим даражалари давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бериши ҳисобга олинди. Тажриба-синов асосида ихтисослик фанларини таълим технологияларига асосланган педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш учун талабалардан олинган якуний саволлар, тест ва умумлаштирувчи машғулотларнинг натижалари сифат ва миқдор бўйича таҳлил қилинди²⁵.

²⁵ Архангельский С.И. Вопросы измерения, анализа и оценки результатов в педагогических исследованиях. -М.: Высшая школа, 1975.

3.2. Педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва унинг математик, статистик таҳлили

Юқорида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан ўтказилган педагогик тажрибани ташкил этиш, уни ўтказиш методикаси борасида фикр юритилди. Ушбу параграфда эса тажриба натижаларининг таҳлили баён этилади. Тажриба натижаларини қайта ишлаш жараёнида математик-статистика усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича машғулотлар янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилди. Натижада талабаларнинг мазкур мавзу бўйича билим даражасининг ўсганлиги аниқланди. 6-жадвалда тажриба-синов дастури бўйича ўқитиш жараёнида талабалар билим даражаси динамикасининг ўзгариши (сон ва % ҳисобида) келтирилган.

6-жадвал.

“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан талабаларнинг билим даражаси динамикаси

Ўқув йили	Олий ўқ. юрти	Ўзлашти-риш даражаси	Тажриба гуруҳларида		Назорат гуруҳларида	
			Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
2012-2013 й.	ТДПУ	Энг юқори (аъло)	12,0 (3)	32,0 (8)	14,0 (3)	23,0 (5)
		Юқори (яхши)	24,0 (6)	36,0 (9)	18,0 (4)	27,0 (6)
		Ўрта (қониқарли)	64,0 (16)	32,0 (8)	68,0 (15)	50,0 (11)

Келтирилган жадвалдаги сонли маълумотларни математик статистика усулларидадан фойдаланиб, чуқур қиёсий таҳлил қилинди. Шу мақсадда

қуйидаги белгилар ва формулалардан фойдаланилди. “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича сонли маълумотлар олинган. Бу маълумотлар асосида қуйидаги белгиланишларни киритиб олинди:

Белгиланишлар:

x_i – тажриба гуруҳига мос келадиган баҳолар. $i = \overline{1,3}$

y_i – назорат гуруҳига мос келувчи баҳолар.

\bar{x} ва \bar{y} – тажриба ва назорат гуруҳлари учун мос келадиган ўртача арифметик қийматлар.

$$\bar{x} = \frac{\sum x_i n_i}{n} ; \bar{y} = \frac{\sum y_i m_i}{m} \quad (1)$$

Бу ерда:

$x_i, y_i = 3, 4, 5$ қийматли баҳоларни мос равишда қабул қилади.

m, n – тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар сони.

m_i, n_i – мос баҳоларга нисбатан талабалар сони.

Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициенти қуйидагича олинди:

$$\eta = \frac{\bar{x}}{\bar{y}} \quad (2)$$

Ўртача квадратик оғиш катталиклари:

$$S_x^2 = \frac{1}{n} \sum_i n_i \cdot (x_i - \bar{x})^2 ; S_y^2 = \frac{1}{m} \sum_i m_i \cdot (y_i - \bar{y})^2 \quad (3)$$

Стандарт оғиш катталиклари:

$$S_x = \sqrt{S_x^2} ; S_y = \sqrt{S_y^2} \quad (4)$$

Ўртача қийматларни аниқлаш кўрсаткичи:

$$C_x = \frac{S}{\sqrt{n \cdot \bar{x}}} \cdot 100\% ; C_y = \frac{S}{\sqrt{m \cdot \bar{y}}} \cdot 100\% \quad (5)$$

Бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматлари учун ишонч оралиқлари:

$$a_x \in \left[\bar{x} - \frac{t}{\sqrt{n}} \cdot S_x; \bar{x} + \frac{t}{\sqrt{n}} \cdot S_x \right]$$

$$a_y \in \left[\bar{y} - \frac{t}{\sqrt{m}} \cdot S_y; \bar{y} + \frac{t}{\sqrt{m}} \cdot S_y \right] \quad (6)$$

Бу ерда: .

t – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли P асосида аниқланади. Масалан, $P=0,95$ бўлганда $t=1,96$ га тенг.

Ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги $H_0: a_x = a_y$ фаразни илгари суриб, унга қарама-қарши $H_1: a_x \neq a_y$ эканлигини юқоридаги маълумотлар асосида Стъюдент статистикаси орқали текшираимиз.

$$T_{m,n} = \frac{|\bar{y} - \bar{x}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} \quad (7)$$

Агар $T > T_p = t$ бўлса, H_0 фараз рад этилиб, H_1 фараз олинади.

Қуйида ушбу маълумотларга асосланиб, ҳар бир босқич учун ҳисоб ишларини олиб борамиз ва уларнинг қиёсий таҳлилинини жадвал орқали келтираимиз.

Ушбу тадқиқотда баҳолаш тизимининг бошланғич баҳоси тажриба бошида олиб борилиб, умумтаълим мактабларида эгаллаган билимлари ва семестр давомида олган бошланғич билимлари асосида талабалар тест орқали баҳоланди. Тажриба охирида эса фаннинг жами мавзулари бўйича ёзма ва оғзаки баҳолаш орқали талабалар билими аниқланди.

“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича тажриба натижаларининг қиёсий таҳлили:

Бу ерда:

$m = 25$, $n = 22$ – тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар сони.

b – тажриба бошида; o – тажриба охирида

$$\bar{x}_a = \frac{1}{25} \cdot (3 \cdot 5 + 6 \cdot 4 + 16 \cdot 3) = \frac{1}{25} \cdot (15 + 24 + 48) = \frac{87}{25} = 3,48$$

$$\bar{y}_a = \frac{1}{22} \cdot (3 \cdot 5 + 4 \cdot 4 + 15 \cdot 3) = \frac{1}{22} \cdot (15 + 16 + 45) = \frac{76}{22} = 3,45$$

Самардорлик коэффициенти $\eta_a = \frac{\bar{x}_a}{\bar{y}_a} = \frac{3,48}{3,45} = 1,0$

$$S_x^2 = \frac{1}{25} \cdot (3(5-3,48)^2 + 6(4-3,48)^2 + 16(3-3,48)^2) = \frac{1}{25} \cdot (3 \cdot 1,52^2 + 6 \cdot 0,52^2 + 16 \cdot 0,48^2) =$$

$$= \frac{1}{25} \cdot (3 \cdot 2,3 + 6 \cdot 0,3 + 16 \cdot 0,2) = \frac{1}{25} \cdot (6,9 + 1,8 + 3,2) = \frac{11,9}{25} = 0,48$$

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{0,48} = 0,69$$

$$S_y^2 = \frac{1}{22} \cdot (3(5-3,45)^2 + 4(4-3,45)^2 + 15(3-3,45)^2) = \frac{1}{22} \cdot (3 \cdot 1,55^2 + 4 \cdot 0,55^2 + 15 \cdot 0,45^2) =$$

$$= \frac{1}{22} \cdot (3 \cdot 2,4 + 4 \cdot 0,3 + 15 \cdot 0,2) = \frac{1}{22} \cdot (9,72 + 1,2 + 3) = \frac{13,92}{22} = 0,63$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{0,63} = 0,79$$

Ўртача қийматлар аниқланиш кўрсаткичлари:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{25 \cdot 3,48}} \cdot 100\% = \frac{0,69}{5 \cdot 3,48} \cdot 100\% = \frac{69}{17,4} = 3,96\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{22 \cdot 3,45}} \cdot 100\% = \frac{0,79}{4,69 \cdot 3,45} \cdot 100\% = \frac{79}{16,2} = 4,88\%$$

$$a_x \in \left[3,48 - \frac{1,96}{5} \cdot 0,69; 3,45 + \frac{1,96}{5} \cdot 0,69 \right] = [3,21; 3,75]$$

$$a_y \in \left[3,45 - \frac{1,96}{4,69} \cdot 0,79; 3,4 + \frac{1,96}{3,87} \cdot 0,79 \right] = [3,12; 3,78]$$

Ушбу ҳисобларни тажриба охирида қандай натижаларга эга эканлигини кўриб чиқамиз:

$$\bar{x}_o = \frac{1}{25} \cdot (8 \cdot 5 + 9 \cdot 4 + 8 \cdot 3) = \frac{1}{25} \cdot (40 + 36 + 24) = \frac{100}{25} = 4,2$$

$$\bar{y}_o = \frac{1}{22} \cdot (5 \cdot 5 + 6 \cdot 4 + 11 \cdot 3) = \frac{1}{22} \cdot (25 + 24 + 33) = \frac{82}{22} = 3,7$$

нисбий ўсиш $\eta_i = \frac{\bar{x}_o}{\bar{y}_o} = \frac{4,2}{3,7} = 1,14$

Тадқиқот натижасида тажриба-синов ишлари ниҳоясида тажриба гуруҳидаги талабаларнинг билим даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,14 баробар (14%) юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди.

Агар тажриба бошига нисбатан таққослайдиган бўлсак:

$$\text{тажриба гуруҳида, } \eta_o = \frac{\overline{x_o}}{x_a} = \frac{4,2}{3,48} = 1,12$$

$$\text{назорат гуруҳида } \eta_i = \frac{\overline{y_o}}{y_a} = \frac{3,7}{3,45} = 1,05$$

самарадорликка эришилган.

Эришилган натижани аниқлик даражасини аниқлаш учун стандарт оғиш катталигини ҳисоблаб чиқамиз:

$$S_x^2 = \frac{1}{25} \cdot (8(5-4,2)^2 + 9(4-4,2)^2 + 8(3-4,2)^2) = \frac{1}{25} \cdot (8 \cdot 0,8^2 + 9 \cdot 0,2^2 + 8 \cdot 1,2^2) = \\ = \frac{1}{25} \cdot (8 \cdot 0,64 + 9 \cdot 0,04 + 8 \cdot 1,44) = \frac{1}{25} \cdot (5,12 + 0,36 + 11,52) = \frac{17}{25} = 0,68$$

$$S_x = \sqrt{S_x^2} = \sqrt{0,68} = 0,82$$

$$S_y^2 = \frac{1}{22} \cdot (5(5-3,7)^2 + 6(4-3,7)^2 + 11(3-3,7)^2) = \frac{1}{22} \cdot (5 \cdot 1,3^2 + 6 \cdot 0,3^2 + 11 \cdot 0,7^2) = \\ = \frac{1}{22} \cdot (5 \cdot 1,69 + 6 \cdot 0,09 + 11 \cdot 0,49) = \frac{1}{22} \cdot (8,45 + 0,54 + 5,39) = \frac{14,38}{22} = 0,65$$

$$S_y = \sqrt{S_y^2} = \sqrt{0,65} = 0,8$$

Ўртача қийматлар аниқланиш кўрсаткичлари:

$$\tilde{N}_x = \frac{S_x}{\sqrt{25} \cdot 4,2} \cdot 100\% = \frac{0,82}{5 \cdot 4,2} \cdot 100\% = \frac{82}{21} = 3,9\%$$

$$\tilde{N}_y = \frac{S_y}{\sqrt{22} \cdot 3,7} \cdot 100\% = \frac{0,8}{4,69 \cdot 3,7} \cdot 100\% = \frac{80}{17,35} = 4,6\%$$

$$a_x \in \left[4,2 - \frac{1,96}{5} \cdot 0,82; 4,2 + \frac{1,96}{5} \cdot 0,82 \right] = [3,88; 4,52]$$

$$a_y \in \left[3,7 - \frac{1,96}{4,69} \cdot 0,8; 3,7 + \frac{1,96}{4,69} \cdot 0,8 \right] = [3,37; 4,03]$$

Ҳар бир босқич бўйича иккала фан юзасидан кўрсаткичлар математик жихатидан ҳисоблаб чиқилди. Ушбу натижаларга кўра, Стъудент методи орқали текшириб, қуйидагича хулосалар ишлаб чиқилди.

$$T = \frac{|\bar{x}_b - \bar{x}_o|}{\sqrt{\frac{S_{x_b}^2}{n} + \frac{S_{x_o}^2}{n}}}$$

Тажриба гуруҳи:

$$\bar{x}_a = 3,48 \quad \bar{x}_i = 4,2$$

$\eta_\delta = 1,14$ самарадорлик коэффициентлари

$$T_\delta = \frac{|3,48 - 4,2|}{\sqrt{\frac{0,48 + 0,68}{25}}} = \frac{0,72}{\sqrt{0,046}} = \frac{0,72}{0,22} = 3,27$$

$T_m = 3,27 > T_{0,96}(t) = 1,96$ Демак, H_1 фарази қабул қилинади.

Назорат гуруҳи:

$$\bar{y}_a = 3,45 \quad \text{ва} \quad \bar{y}_i = 3,7$$

$\eta_n = 1,05$ самарадорлик коэффициентлари.

$$T_i = \frac{|3,45 - 3,7|}{\sqrt{\frac{0,63 + 0,65}{22}}} = \frac{0,25}{\sqrt{0,058}} = \frac{0,25}{0,24} = 1,04$$

$T_n = 1,04 < 1,96$ бўлиб, H_0 фарази қабул қилинади.

**“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича
олинган натижалар**

№	Кўрсаткичлар	Олий ўқув юрти	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
			Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Ўртача арифметик қиймат (\bar{x}, \bar{y})	Тошкент Давлат Педагогика Университети	3,48	4,2	3,45	3,7
2	Самарадорлик кўрсаткичи (η)		1,14		1,05	
3	Ўртача қиймат ишонч оралиғи ($a_x \in, a_y \in$)		[3,21 ; 3,75]	[3,88 ; 4,52]	[3,12 ; 3,78]	[3,37 ; 4,03]
4	Ўртача қиймат стандарт хатолик (S_x, S_y)		0,69	0,82	0,79	0,8
5	Аниқланиш кўрсаткичи (C_x, C_y)		3,96%	3,9%	4,88%	4,2%
6	Стьюдент статистикаси (Т)		3,27		1,04	
7	Кўрсаткичлар хулосаси		Н ₁ фараз қабул қилинади.		Н ₀ фараз қабул қилинади.	

Тажриба-синов ишлари шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳида олиб борилган методик ишлар назорат гуруҳига нисбатан самарали экан.

“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича олиб борилган тажриба синов ишларининг натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳи натижалари (тажриба боши билан охири таққосланганда) 1,14 баробар юқори кўрсаткичга олиб келди ва жадвалдаги натижаларга кўра тавсия қилинган методика самарадор эканлиги тасдиқланди. Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари

натижалари талабаларга билим беришда, уларнинг қизиқишлари ва билимларини шакллантиришда қўллаганилган янги педагогик технология самарали эканлигидан далолат берди.

“Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фани бўйича машғулотларнинг таклиф қилинган турлари ва мазмуни талабаларнинг билим даражасини сезиларли даражада оширди. Тажриба гуруҳи талабалари берилган билимларни ўзлаштиришларининг сифат кўрсаткичлари 70% гача бўлган юқори даражада намоён бўлди.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1) Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари икки босқичда олиб борилди

2) Тадқиқотни амалга ошириш дастурига биноан талабаларда касбий педагогик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш сифатининг статистик тавсифини тузиш кўзда тутилган эди. Бу Касб таълими (Сервис) таълим йўналишида “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” ихтисослик фанини ўқитиш бўйича биз ишлаб чиққан методика, яъни такомиллаштирилган ўқув услубий мажмуадан фойдаланиш машғулотларни олиб бориш методикасининг мазмуни самарали эканлигини баҳолаш имконини берди.

3) Тажриба-синов ишини ташкил этишда ўрганилаётган мавзулар бўйича ўқув материалларининг мазмуни тўла баён этилган режа ва матнлар тузилди, махсус фан мавзуларини баён этишда муаммоли таълим элементларидан фойдаланиш юзасидан дидактик материаллар ва ҳар бир дарс учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

4) “Тикув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанидан яратилган ўқув услубий мажмуа асосида машғулотларни ташкил этиш ва мавзуларини баён қилишда тажрибанинг барча босқичларида самарадорликка эришилганлигини кўрсатади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Республикамизнинг педагогика соҳасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этишга интилоқдалар. Ўқув жараёнига ўқув услубий мажмуаларни татбиқ этишнинг зарурлиги шундаки:

Биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида.

Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, балки нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги.

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг жадал кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги.

Тўртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Таълим жараёнига ўқув услубий мажмуаларни татбиқ этиб таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этилди.

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб

топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир. Бу жараёни бир тизим деб қарайдиган бўлсак, таълим берувчи ва таълим олувчидан ташқари унга қуйидаги ташкил этувчи элементларни ҳам киритиш мумкин: таълим мақсади, кутилаётган натижалар, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, мониторинг ва баҳолаш. Таълим жараёнини ташкил этишда юқорида санаб ўтилган элементларнинг барчаси муҳимдир. Улардан бирортаси четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди. Бундан, таълим жараёни олдида қўйилган мақсадга эришиб бўлмаслиги келиб чиқади.

Демак, таълим жараёнида ўқув услубий мажмуаларнинг қўлланилиши таълим самарадорлигини таъминловчи, таълим олувчиларнинг фаолликларини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, бугунги ахборотлашган жамият давр билан ҳамнафас тарзда таълимни технологиялаштирилган қўринишларда ташкил этишни тақозо этади.

Тадқиқот ишимизнинг умумий яқунлари, шунингдек, тажриба-синов ишлари натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Олий таълим тизимида мутахассисларни - бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда, талабаларда танлаган касбларига қизиқишларини ошириш ва шакллантиришда “Тиқув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини ўқитишда яратилган ўқув услубий мажмуа такомиллаштирилиб амалиётга татбиқ этилди.

2. Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти, фан дастурлари таҳлил қилинди ва талабаларнинг таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган мутахассислик фанларидан эгаллашлари лозим бўлган билим ва кўникмалари мазмунини аниқланди.

3. Касб таълими (Хизматлар соҳаси (Сервис)) таълим йўналиши талабаларига танлаган касбларининг асосларини ўргатишда уларни касбий шакллантириш даражаси мазмунини яратиш ва дарс жараёнида ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан интерфаол методларни ўзида мужассам қилган ўқув

услугий мажмуалар орқали талабага етказиш ижобий йўналиш эканлиги тасдиқланди.

4. Бугунги кунда анъанавий ўқитиш усуллари ҳамда янги педагогик технологиялар, ўқув қўлланмалар, жадваллар, чизмалар ва бошқаларни камраб олган ўқув-услугий материаллар мажмуаларининг янги авлодларини яратиш, уларнинг дарсларда қўлланилиши - таълим самарадорлигини оширишга сабаб бўлиши амалда исботланди.

5. Ўтказилган тажриба-синов натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, “Ўқув буюмларини буюртма асосида конструкциялаш” фанини ўқитишда ўқув услубий мажмуалар, илғор педагогик ва янги ахборот технологияларидан, қўлланмалардан фойдаланиш натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг ўзлаштириши бўйича самарадорлик кўрсаткичи 1,14 баробар, сифат кўрсаткичлари 70 фоизга ошди. Бу эса олий таълим тизимида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини - мутахассисларни тайёрлаш жараёнида замонавий ўқитишнинг ўқув услубий мажмуаларни қўллашнинг орқали таълим методларидан фойдаланиш натижасида юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлар ва қарорлари,

Вазирлар маҳкамаси қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори
- 2.«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400- сонли қарори.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш дастури – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш дастури – Т.: Ўзбекистон, 2009

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

- 5.Каримов И.А. Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. -64 б.
- 6.Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -326.
- 7.Каримов И.А. Юксак манавият –енгилмас куч. -Т.: Манавият, 2008. -176 б.
8. И.А.Каримов.Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 64 б
- 9.И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.- 440 б.
10. И.А.Каримов.Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

11. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000
12. О мерах по ускорению развития сферы услуг и сервиса в Республике Узбекистан в 2006-2010 годах» постановление Президента Республики Узбекистан 17 апреля 2006 год №ПП-325

Асосий адабиётлар:

13. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. -Т.: 2003, ТДПУ, -174 б.
14. Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари. –Т.: Ёзувчилар уюшмаси. 2006. -160 б.
15. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. –Бухоро: Матбаа, 2001. -68б.
16. Архангельский С.И. Вопросы измерения, анализа и оценки результатов в педагогических исследованиях. -М.: Высшая школа, 1975.
17. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабларида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -342 б.
18. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. -М.: Педагогика, 1989. -192 с.
19. Волкова С.Р. Научно-методические основы подготовки рабочих широкого профиля в новых социально-экономических условиях: Автореф. дис. ... кан.пед.наук.. –Т.: 1997. -18 с.
20. Голиш Л., Файзуллаева Д. Касб-хунар коллежларида модулли дастур асосида таълим бериш. –Т.: // Касб-хунар таълими, 2002. -№4. -24б.
21. Гаипова Н.С., Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик технологияси ва жиҳозлари. – Т.: Ворис. 2007. -230 б
22. Дадамирзаев Г. Таълим тизимини такомиллаштириш – давр талаби. Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. 1998. 1-2 сон. -22-24 б.
23. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 2004. -102 б.

24. Кудрявцев Т.В. Психология технического мышления /Процесс и способы решения технических задач/. -М.: Педагогика, 1975. -304с.
25. Махмутов М.И. Современный урок. -М.: Педагогика, 1981. -184 с.
26. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Олий таълим /5140900 - Касб таълими «5810300 – Сервис» йўналиши зарурий мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар./ -Т.: 2004. -32б.
27. Муслимов Н.А. Касбий таълим истиқболи. //Ж. Педагогик таълим. 2002. - №4. –Б. 58-61.
28. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. -Т.: Фан нашриёти, 2004. -130 б.
29. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчининг касбий тикланиш омиллари. //Ж. Узлуксиз таълим. 2005. -№2.
